



O'zbekiston Respublikasi
IIV nashri

ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

POSTDA



Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan • E-mail: postda@evo.uz • 2015-yil 14-mart, shanba • № 11(4112)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

1941–1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТҮГРИСИДА

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941–1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Фалабанинг 70 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. 1941–1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 700 000 (етти юз минг) сўм микдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармони бажариш билан боғлиқ сарфҳаражатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргалиқда 1941–1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Махалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргалиқда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишлиланган маҳсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зими масига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 6 марта

Тунги репортаж

ДОИМО БЕДОР ҲОДИМЛАР

Ҳар куни саховатли қўёш уфқ қўйнига бош қўйиб, атрофни тун пардаси ўз бағрига олаёттан пайт юртдошларимиз кундалик юмушларини, хизмат вазифаларини бажариб, қадрдан оиласи томон ошиқаркан ҳар бирининг кўнглидан шундай гўзал, тинч ва осойишта юртда умр кечираётганидан шукроналик туйғуси ўтиши шубҳасиз. Ана шундай вақтда ҳамма бир-бирига «хайрли кеч» ва «тунингиз осуда ўтсин», дей эзгу тилакларни айтади. Чунки тунимиз тинч ҳамда осуда ўтса, янги тонгни хуш кайфиятда кутиб оламиз ва бу эртанги иш кунимизга ўзгача завқ бағишлиайди.



МИЛЛИЙ ПАСПОРТИМИЗ – ФАХРУ ФУРУРИМИЗ

Тошкент шаҳар ИИБХ
Хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасида 16 ёшга тўлган ёшларга биометрик паспорт топшириш маросими бўлиб ўтди.



Ёшлар, уларнинг отоналари қатнашган тантанали тадбирда шаҳар ИИБХ ЧК ва ФРБ ҳодимлари томонидан республикамизда паспорт тизимини такомиллаштириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар, олиб борилаётган амалий ишлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда фуқароларга янги намунадаги биометрик паспортларни расмийлаштириш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Ички ишлар идораларининг хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш

бўлинмаларида барча шартшароитлар яратилган. Эгаси ҳақидаги зарур маълумотларни ўз ичига олган маҳсус электрон чип билан таъминланган биометрик паспорт халқаро талабларга тўла мос келади.

– Ўзбекистон Республикасининг паспорти шахснинг фуқаролигини тасдиқладиган ҳужжат ҳисобланади, – дейди Мирзо Улуғбек тумани ИИБХ ЧК ва ФРБ бошлиғи, майор Фарруҳ Мўминов. – 16 ёшга тўлган ҳар қандай фуқаро паспорт эга-си бўлиши шарт.

Фуқаролик паспортларни топшириш жараёни, айниқса, ёшлар учун унугтилмас тадбирга айланди. Буни

уларнинг юз-кўзидаги ҳаяжон, таассуротга бой сўзларидан ҳам англаб олиш қийин эмасди.

– Бу кун умрбод ёдимда қолади, – дейди 2-Республика тиббиёт коллежи ўқувчи Нигора Муродуллаева.

– Чунки илк бор Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортини олдим. Демак, мен ҳам мустақил ҳаёт сари қадам қўйдим. Бу бир қатор ҳуқуқларни бериш барабарида, зиммамга катта масъулият ҳам юклайди.

Тадбирда ташкилотчilar томонидан паспорт билан боғлиқ турли ҳуқуқбузарларликлар тўғрисида ҳам тушилтишлар берилди.

Камол ОЛЛОЁРОВ.

Сизу бизнинг тунни хотиржамлика ўтказишмизни таъминлаш мақсадида ички ишлар идоралари ҳодимлари тинчлик-осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларинг олдини олиш мақсадида ўзларига бирриклирлган ҳудудларда хизмат олиб боришади.

Осойишталик посбонларининг тунги хизматлари билан яқиндан танишиши мақсадида Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБГа ташриф буордик.

Соат 20.00. Шахсий таркибга бирриклирлган ҳудудларда хизмат олиб бориш учун туман ИИБ рахбарияти йўриқнома ўтказди. Унда хизматга шай ҳолатда бўлган соҳавий хизматлар ҳодимларига ҳуқуқбузарликлар содир этилганда, кутилмаган ҳолатлар юз бергандан тезкор ва тўғри қарорлар қабул қилиш, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиш, аҳолининг осойишталигини таъминлаш учун хушёрлик, сергакликни бир зум ҳам йўқотмасликлари ҳақида туман ИИБ ЖТСБ бошлиғи, подполковник Хошимхўжа Рахмедов зарур кўрсатмаларни берди. Шундан сўнг «Тун» тадбирига жалб этилган ҳодимлар йўналишларга бўлинган ҳолда хизматга отланиши.

(Давоми 10-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН



ҲАФТА ИЧИДА

● «2015-2019 йилларда Гулистан шахри дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости сув сатҳини камайтириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши матбуотда эълон қилинди. Уни қабул қилишдан кўзланган мақсад ер ости сув сатҳини камайтиришга қаратилган дренаж тизимини янада такомиллаштириш, Гулистан шаҳрининг архитектура-режалаштириш қиёфаси ва инфратузилмасини тубдан яхшилаш учун зарур шароитлар яратиш ҳамда шу асосда ахолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишдан иборатдир.

* * *

● МДХ Ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Владимир Гаркун раҳбарлигидаги МДХ кузатувчиларининг узоқ муддатли миссияси гурӯҳи Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кутиши учун мамлакатимизга ташrif бўюриди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида кузатувчилар миссияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди ва уларга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти жараённи ҳақида ахборот берилди. Миссия аъзоларига сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, жумладан, сайлов куни овоз бериш хоналарида бўлиш ва овозларни санаб чиқишни кутиши ҳуқуқини берадиган мандатлар топширилди.

* * *

● Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентларини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан анжуман ўтказилди. Унда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлашда жамоатчилик назоратини самарали ўрнатиш, бунда ижтимоий адолат таомилларига таянилишида оммавий ахборот воситаларининг холис ва ҳақонийлигини, жараёнга чуқур таҳлилий асосда ёндашувини таъминлашга оид вазифалар белgilab олинди.

* * *

● Пойтахтимиздаги «Ўзқўргазмасавдо» марказида банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари «BankEXPO – 2015» VIII миллий кўргазмаси бошланди. Унда бугунги кунда мамлакатимизда самарали фаолият юритаётган йигирмадан зиёд банклар ўз хизматларини намойиш этишпти. Шунингдек, лизинг берувчилар ассоциацияси, етакчи суғурта компаниялари, маҳаллий ва хорижий ахборот технологиялари компаниялари ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан қатнашмоқда.

* * *

● Самарқандада Жанубий Корея ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан ҳамкорликда касб-хунарга ўқитиш маркази курилиши бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазiri Азиз Абдухакимов, Корея ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги вице-президенти Ким Ин иштирок этди. Тадбирда таъкидланганидек, ахолини иш билан таъминлаш ва бандлик даражасини ошириш кўзда тутилган мазкур марказ ишга тушса бу ерда машинасозлик, пайвандлаш, компьютер технологиялари ва электротехника соҳалари бўйича етук мутахассислар тайёрлаш имкони пайдо бўлади. Мазкур марказ 6,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ эвазига бунёд этилмоқда.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Тадбир

ҚОНУН ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ахолининг тинчлик-осо-ишишталигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирни этиб белгиланган. Фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда жойлардаги профилактика инспекторларининг алоҳида ўрни бор. Ўзбекистон Республикаси таъминлашниң асосий йўналишлари» мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий конференциясида кун тартибидаги масала юзасидан атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси, Адлия, Ички ишлар, Олий ва ўрта маҳсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазириклари, «Маҳалла»

ли тадбирлардан бирни Республика ИИВ Академиясида бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон Республикаси таъминлашниң асосий йўналишлари» мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий конференциясида кун тартибидаги масала юзасидан атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси, Адлия, Ички ишлар, Олий ва ўрта маҳсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазириклари, «Маҳалла»



хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Ички ишлар вазириининг ўринбосари, полковник А. Мирзаев очиб, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берганини таъкидлadi. Шунингдек, қонуннинг асосий вазифалари, принциплари ҳақида гапириб, унинг ижроси доирасида қабул қилинган идоравий ва қўшма меъёрий ҳужжатларини шакллантириш каби масалаларда тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сўзга чиққанлар мазкур қонун ижросини таъминлаш, назорат қилиш ва мувофиқлаштиришни ташкил этиши бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни такомиллаштириш, бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирокини янада фаоллаштириш каби масалаларда

маърузалар қилиши. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан ҳуқуқбазарликлар профилактикаси таъминлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Амалдаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатларига ўзгариши ва қўшимчалар киритиш, янги қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқбазарликлар профилактикаси субъектларида унга доир қонун ва қонуности ҳужжатларини қўллаш кўнкималарини шакллантириш каби масалаларда тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Тадбир сўнгидаги кўрилган масалалар юзасидан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш чоралари, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

**Иномжон РАХИМХЎЖАЕВ,
сержант.
Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.**



Семинар

САВОЛ-ЖАВОБЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириб бориш давр таълиби айланиб ўлгурди. Шу сабабли ҳам мамлакатимиз ахолиси нафакат миллий қонунчилигимизга тегиши бўлган ҳуқуқий меъёrlарни, балки ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларини ҳам мукаммал даражада ўзлаштириб бормоқда.

Бу эса давлат ва жамият ҳаётини бошқариша кўпгина қулагиларни яратмоқда. Юртимизда истиқомат килаётган инсонларнинг ҳуқуқий онгини оширишда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам муносиб ўрни бор. Тошкент шаҳар ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси кадедра мудири, юридик фанлар номзоди А. Юлдашев, Фуқаролик жамиятия шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳиятига бағишилаб ўтказилган семинар ҳам юқоридағи фикримизнинг исботидir.

Унда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош-

кармасининг барча бошқарма, мустақил бўлим ва соҳавий хизматлари, шунингдек туман Ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари иштирок этиши. Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси кадедра мудири, юридик фанлар номзоди А. Юлдашев, Фуқаролик жамиятия шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими раҳбари ўринбосари Р. Саидов ва бўлим ходими Б. Сultonovlar «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳиятига йиғилганларга атрофлича маълумотлар берисиди.

Савол-жавобларга бой бўлган семинар иштирокчиларда катта таассурот колдириди.

**Тўллаган АБДУЛЛАЕВ,
подполковник.**

«Тозалаш – Антитеррор»

ЧУШҚОҚЛИК БИЛАН

Аввал хабар берганиниздек, мамлакатимиз ички ишлар идоралари ходимлари томонидан Наврӯз умумхалқ байрами олдидан жойларда кенг қамровли «Тозалаш – Антитеррор» профилактик тадбири ўтказилмоқда.

Самарқанд вилоятида ўтказилаётган «Тозалаш–Антитеррор» тадбирида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам фаоллик кўрсантишмоқда. Шаҳар, туман марказларида байрам тантаналари ўтказиладиган майдонлар, маданият ва истироҳат боғлари ҳамда бошқа масканларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши текшириб чиқилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу жойларда ўтказилган амалий-тактик машқларда фавқулодда вазиятлар бошқармаси хизмати вакиллари ҳам иштирок этдилар. Шунингдек, кўхна шаҳардаги меҳмонхоналар, ресторан, кафе, бар ва бошқа овқатлашиш шохобчалари, савдо масканларининг ёнғин хавфсизлиги ҳолати мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида текширувдан ўтказилмоқда. Бошқа хизматлар билан ҳамкорликда хонадонларда паспорт-виза тартибига риоя этилиши юзасидан текширувлар ўтказилиб, асосий эътибор осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбазарликлар ва жиноятларни фош этиш, ахоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилмоқда.

**Бўрибой ОМОНЗОДА,
майор.**

Давра сұхбати

ИСЛОМ АҚИДАПАРАСТЛИКНИ ҚОРАЛАЙДИ

Ички ишлар идоралари шахсий таркиби ўртасида маънавий-рухий мухитни согломлаштириш, диний ақидапарастлик, гиёхвандликка қарши курашни кучайтириш, шахсий хавфсизликни таъминлаш, огохлик ва хүшёрликни ошириш борасида самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, ИИВ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Олмалиқ шаҳар марказида ташкиллаштирилган давра сұхбати «Маърифий ислом ақидапарастликни қоралайди» ҳамда «Хозирги замон ва динлараро мулокот» мавзуларида үтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Мусулмонлар идораси раисининг ўринбосари, шайх Абдулазиз Мансур иштирок этиб, мамлакатимиз мустакиллигининг илк кунларидан бошлаб халқимизнинг маънавий ҳәёти ва сиёсий тафаккурни бойитиш ҳамда кўп миллати халқимизни энг улуғ, энг азиз қадриятлар, эзгу мақсадлар сари интилишлари, бунёдкорлик ишларига кенг

имкониятлар яратилганлигини қайд қилиб ўтди.

У бугунги кунга келиб Ватанимизнинг умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини нафақат Шарқ, балки бутун дунё тан олаётганлигини, қадимий ва табаррук тупроғимиздан кўплаб буюк алломалар, сиёсатчilar, саркардалар етишиб чикқанлигини, шу билан бирга,

азиз ва муқаддас диёримизда диний ва дунёвий илмларнинг асослари яратилганлигини фаҳр билан тилга олди. Мустақиллигимиз шарофати билан бой маданий меросимизни ўрганиш имкониятлари очилганлигини айтди.

Маръузачи хозирги куннинг энг асосий вазифаларидан бири халқимизнинг диний эътиқодига зид бўлган зарарли оқимларнинг юртимиғига кириб келишининг олдини олиш, анъанавий, маърифий, мўътадил исломни ёт foялар таъсиридан сақлашдан иборат эканлигини таъкидлadi.

Шайх Абдулазиз Мансур бугунги кунда мамлакатимизда турли эътиқодга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро хурмат ва бағрикенглик мухити ўрнатилиши учун барча шароит-

лар яратилганлиги, Конституциямизда ҳам барча дин ва эътиқод гегаларига тенг имкониятлар яратилганлиги хусусида тушунчалар берди. Жумладан, дин ва давлат муносабатларини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Махкамаси хузурида Дин ишлари бўйича қўмита фаoliyat кўрсатадиганлигини эслатиб, унинг асосий вазифалари билан ҳам танишириб ўтди.

Давра сұхбати нафакат марказда таълим олаётган тингловчи ва курсантлар, балки ушбу билим даргоҳида хизмат қилаётган барча ходимлар учун ҳам катта илмий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, шахсий таркибда катта таассурот қолдири.

**Зафаржон ДЕҲҚОНОВ,
подполковник.**

Амалиёт

БИЛЛИМ ВА КЎНИКМА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Хар йили республика ИИВ Академиясидан ички ишлар идораларининг турли соҳавий хизматлariга малакали мутахассис кадрлар етишиб чиқади. Айни пайтда мазкур таълим даргоҳида тўрт ийллик ўкув жараёнини якунлаш арафасида турган тингловчilar иш ўрганиш амалиётiga йўл олиши.

Тошкент вилояти ИИВ тизимларида амалиёт ўташга жалб этилган тингловчilar билан бўлган учрашуда бошқарма раҳбарияти, фахрийлар, Академия профессор-ўқитувчilari, туман ИИВ масъул ходimlari va ota-onalar iштирok этиdi. Тадбирни вилоят ИИВ ШТБИХ бошлигининг ўринбосари, майор И. Аҳmedov очиб, иш ўрганиш амалиётini ўтказиш бўйича бошқарма бошлигининг бўйруғини ўқиб эшилтириди. Шунингдек, бўлаҗak офицерларга тажрибali мураббийлар бириктирилиб, иш ўрганиш жараёнини муносиб ташкил этиши лозимигини таъкидлadi.

Шундан сўнг вазирик Академияси кафедра бошлиғи, профес-

сор, полковник И. Исмоилов сўзга чиқib, таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш учун яратилган шарт-шароитларга тўхтади. Намунали хулқи, альбо баҳолари билан сафдошлariга ўrnak bўlaётgan tингловchilarning ota-onalari Aкадemия boшлиgining minnatdorlik xatlari tопшириди.

Украшувда вилоят ИИВ соҳавий хизматlari raҳbarlari, fahriy-lar, respublika «Maҳallal» hайriя жамoat fondinining viloyat bўlimi, «Kamolot» ёshlar iжtimoiy ҳarakati viloyat kengashi vaki-larinin ҳam fikr-muloҳazalari tингланdi.

**Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,
сержант.**

Тошкент вилояти.



ИИВ Академияси битирудвчи тингловчilar Навоий вилояти ички ишлар идораларида ўкув амалиётini бошлади.

Айни пайтда бўлгуси офицерларга тажрибali мурabbiylar бириктирилиб, уларга касб маҳоратига доир кўнинmalар бериб бориляпти. Tинчлик va осойишталikni таъминлаш, хуқуқбузарлirkarning oлдини олиш, жиноятчиликning турли кўринишlariiga қarши mурасasiz kурашибiш билan boglik omillariga aloҳida этибօr kаратilmoқda.

**Фаррух ЁҚУБОВ,
лейтенант.**

Навоий вилояти.

ИИВ Академиясининг қашқадарёлик бир гурух битирудvchi kurs tингловchilari iш ўрганиш амалиётiga kiriшиishi.

Dastlabki iш kуни viloят IIB majlislar zaliida bўlib ўtgan ota-onalar, fahriy-lar, taъlim muassasasining masъul raҳbarlari iшtirokida ugarchuvdan boшlanedi.

Tadbirni viloят IIB boшлиғi ўrinbosari, podpolkovnik J. Chinaliev очиб, amaliётning kўngildagi idek ўtishi учun barcha sharoitlар mavjudligini taъkidlab ўtdi. IIB Akademiyasi kafedra boшлиғi, podpolkovnik Ibroxim Sotiev esa ushu жараёнning maқsad va vazifalari xususida sўz ўritidi.

Украшув сўнгida bir guruh ota-onalaraga raҳbariyatning minnatdorlik xatlari tопшириди.

**Алишер МУРОДОВ,
майор.**

Қашқадарё viloяти.

Хабарлар

МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁНГА БАҒИШЛАБ

Маълумки, жорий йилнинг 29 марта куни мамлакатimizning iжtimoiy-siёsий ҳаётида муҳим voke – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови bўlib ўtadi. Ушбу муҳим vokeaga бағишилаб Транспортдаги ИИБ ИХХК ва ЮТБ томонидан бошқа хуқуқни muҳofaza қилиш идоралари bilan ҳамкорликда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Milliy aviakompaniyasi obъektlari qator tадбирлар ўtказilmokda.

Mazkur tадбирлар chofida йигилганlara мамлакatimizning сайлов қонунчилиги тўғрисида батафсил маъlumot beriliyapti. Жумладан, bu boradagi milliy қонунчиликka кўра Ўзбекистон Президентligiga nomzodlari faqat юртимиғida faoliyat юритaётgan, tegishi tартибda rўyhatdan ўtgan siёsий partiyalarning kўrsatiшiga vакolatlari ekonligi aloҳida taъkidlananaptti. Bундан tашқари, Ўзбекистон Либерал-демократik partiyasi, Ўзбекистон Xalқ-demokratik partiyasi, «Milliy tikkilani» demokratik partiyasi ҳамda «Adolat» sozial-demokratik partiyasi томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентligiga nomzodlar ilgari surilganligi aйтиб ўtilyapti.

Давра сұхбатlari sўnгida turli ёт oқimlарidan ogoхlan-tiruvchi, xўşerlikka daъvat etuvchi xўjhatli filmmlar namoyish etiляpti.

**Суннат ШЕРОВ,
подполковник.**

НАВРЎЗ НАФАСИ

Baҳor fasli ўzinning kўrki, tarovati, dillarغا su-rur uлашувчи ifori, rang-barangligi bilan barchamizga sevimli. Aйниksa, xalқimizning kўxna қадriyatlari, urf-odatlarini ўzida мужассам etgan Navrўz bайramini barcha intiқib kутади. Aйни kунларда Navrўz aйём, муносабati bilan жойларда сумалак сайллari ўtказilmokda.

Respublika IIB «ЖАР» sport-soglomlaшtiриш mажmuasi tashabbusi bilan poitakhimizdagi Abdulla Kодirli nomida-gi madnayıt va istirohat boғida bўlib ўtgan sumalak сайli xам kўpчиликka қуонч uлашdi. Unga юртимиғin turli gўsha-laridan sanъatkorlар tашrif bуoriб, dilrabo kуй va kўsik-lar iжro etiшли. Doшkozon atrofiда lапарлар, Navrўz tarixi va ushu aйём bilan boғlik rivoyatlari aйтилди. Aйниksa, askiya bazmi tадбирiga ўzgacha fayz бағiшли.

Ўз мухbirimiz.

ТАНИҚЛИ ҲАКАМ БИЛАН УЧРАШУВ

Respublika IIB ёнгин хавfisizligi oлиy техnik maktabida tаниқli шоир va ёзuvchilar, sport va sanъat namoyandalari bilan учрашувlar, ijodiy-badiy kechalari ўtказish яхши anъanaga aйланган. Яқинда таъlim dargo-hida tashkil этилган ana shundan tадбирлардан бирига ФИФА рефериси, «Эл-юрт xурмат» ordeni sohibi Ravshan Эрматov taklif қилиndi.

Украшувда R. Эрматov сўзga чиқib, мамлакatimizda sport, xususan, futbolni ommalashтириш wa rivojlanтириш бора-sida amalgal oширилаётgan keng kўlamli ishlar ҳaqida sўz ўritidi. Uning taъkidlaшtir, давлат daражasidagi bундай юксak этиbօr жамияtda soғlom tурмуш tarzini mustaҳкам karor topotiришga bемисл xissa bўlib kўshiladi.

– Xар қандай соҳада ҳам muваффakiyatga erishish учун kiши-da, avvalo, ўziga nisbatan ishonch bўliши lozim, – dedi ФИФА рефериси. – Xuddi shuningdek, tirişqoқlik, mehnatssevarlik va iшga masъuliyat bilan ёndaishiш ҳам iotuқlar omili sanala-di. Xар bir insон, kайси соҳада iшlaшидан қатни назар, tанлаган kасбiga meҳr kўyib, эъзозlasa, fidoyi va watanparvar bўlsa, ўz oldiga kўyigan maқсадlariiga erishiшига shubha йўқ.

Tадбир sўnгida Ravshan Эрматov kursantlар tomonidan berilgan savollargara жавоб қайtarди. ўz navbatida, у ҳам iшtirokilarga futbol mавzusidagi savollar bilan murojaat qiliib, тўғri жавob берган xодim va kursantlara ўzinning эслик совgalarini tопшири.

**Бахшулло ҶАҲОНҚУЛОВ,
подполковник.**

ДУНЁДАН



ДАРАКЛАР

ИСКАНДАР ЗАМОНИДАН КОЛГАН

Истроил шимолидаги горларнинг бирини текшираётган горшунослар қадимий хазинага дуч келиши. Мутахассисларнинг таъкидлашича, топилган қадимий тангалар ва заргарлик буюмлари бундан таҳminan 2,3 ming йил бурун ясалган. Boшқачa қилиб ўtади. Улар Александр Македонский замонидан қолган. Таҳminларга қараганда, Искандар вафот этгач бошланган тартибсизликлардан кўрқиб қочган одамлар хазинани матоға ўраб, горга беркитиб кўйишган. Айтганча, топилмалар орасида қадимий сопол идишлар ҳам бор.

ҚУРБАҚАҲҮРЛАР, МАРҲАМАТ!

«Orbi Yokohoma» nomli tabiat va fan museyи Tokioning жанубида жойлашган. Ушбу museyda 21 мартадан 17 майгача «Зархи қотиллар» деб номланган kўrgazma bўlib ўtadi. Унга ташриф буорувчilar заҳарli ўргимчaklar, baliklar va boшqa zaҳarli жониворларни томоша қилишлari mumkin. Kўrgazma oлдидан esa шу kунлarda museyning қаҳвахонасида қурbaқa oёғidan bургерlар tайёрланаяпти. Уларнинг нарxi ming yен ёки sakkiz AKШ dollariдан sal қimmatroq. Emakhonada яна boшqa bир қатор антиқa taomlар bilan ҳam meҳmon қилишadi.

САЁХАТ ЧОҒИДАГИ ФАЛОКАТ

Bu voke Tinch okeanida, anikrofi Mexika қирғoklari яқинida юз berdi. Ummon sайдридан қайtaётган сайёхлик kateri қаршиидan kutilmaganda kулранг kит chiқib қoldi. Kater kapitanita tўқnashuv юз bermasligi учун unni keskin bурди. Shunda ҳam kit қaiyikni turтиb ўtisha ulgurd. Okibatda сайёхлардан ikki naфari жароҳатланди. 45 ёшли aёл esa олган жароҳati ofirliги туфайli shifoхonada ҳaётдан kўz юмди.

КАРОР ЎЗГАРДИ

Исландия hukumatni mamlakatning Europa Ittifoқi aъzoligiga қабул қилинишини сўраб 2009 йилда berган arizasini қайtarib oлди. Aйни pайтда Islандия Tashki iшlар vазiri ўzinning mamlakati Europa Ittifoқi bilan ҳamkorlik aloқalari bундан бўён ҳam rivojlanтиришdan manfaatdor ekonligini bildirdi. ўz navbatida EI Kengashi raҳbariyati Islандия hukumatining қарорini xурmat қилиshini baён etdi. 2015 йилнинг январида Islандия Boшvaziri Sigmindur David Gunnlaugsson яқин orada ўзи raҳbarlik қilaётgan hukumat EИга kiriшini rad etishi ҳaқida baёnot berishini aйтгандi.

ЯНГИ ОРОЛ

Ўtgan йили декабрь ойida Tonga қиролliginining poitakhiti Nuкуaloф sha-ridan 45 kilometer узоқликda жойлашgan Xunga-Tonga-Xunaپай vулkonini яна ҳaракatga kela boшlagan edi. Яқинida vулkonidan uncha узоқ bўlmagan жойda Tinch okeani satxida uzunligi 1,8 km, эни 1,2 km kеладиган orol pайдo bўldi. Olimlarning Fikricha, асосан vулkon tonshollariidan iborat ushu orol parchalarga bўlinib, яна ummon tubiga chўkib ketishi mumkin. Maҳalliy meҳmonxona xўkhajini Жанпъero Orbassano дўstlari bilan orolga tashrif bуoriб



МУҲИМ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕА

«Сайлов – демократия дегани, демократия – бу сайлов дегани»



Ўзбекистон халқи мустақиллик туфайли давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаига айланди. Халқ ҳокимиятга эгалик ҳуқукини сайловлар орқали амалга ошириш имкониятига эга бўлди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Сайлов – демократия дегани, демократия – бу сайлов дегани». Демак, халқ сайловлар орқали давлат ҳокимиятни шакллантиради, жамиятнинг келажагини белгилайди. Шу сабаб ўз келажагига бефарқ бўлмаган, ўзлигини англаған фуқаро сайловларда иштирок этиб, муносиб номзодларга овоз бериш орқали жамият ва давлатни ривожлантиришга ўз ҳиссасини кўшади.

Ўзбекистон халқи мустақилники кўлга киритганидан бўён Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлар ҳамда Президентлик сайловларида фаол иштирок этиб, катта сиёсий ва ҳуқуқий тажрибага эга бўлди. 2015 йил 29 марта үтказиладиган Ўзбекистон Президенти сайловида ҳам юртдошларимизнинг фаол иштирок этиши кутимоқда.

Ушбу сайлов арафасида Президентлик институтининг пайдо бўлиши ва ҳозирги ҳолати, моҳияти хусусида фикр юритиш ўринлидир, деб ўйлаймиз. «Президент» атамаси лотинча сўздан олинган бўлиб, антик даврда «олдинда ўтирувчи» деган маънони англатган. Ўша даврда халқ ӣигинларида раҳбарлик қилувчиларни президентлар деб аташган. Америка Кўшма Штатларининг Конституциясида илк бор Президент атамаси «давлат бошлиғи» маъносидаги қўлланилган. Мазкур Конституцияга мувофиқ 1789 йили АҚШ Президенти этиб Жорж Вашингтон сайланган.

Кейинчалик, 1790 – 1830 йиллари Президентлик институти Лотин Америкаси мамлакатларида (Бразилия, Гаити, Уругвай ва бошқалар), 1848 йили Фарбий Европанинг Франция ва Швейцария давлатларида жорий этилди. XX асрдаги инқилоблар, давлат тўнтишлари, фашизм, буюк давлатчилик шовинизми келтирган вайронагаричлик ва бузғунчиликлардан сабоқ олган халқлар биринкетин ҳокимиятни тинч йўл билан, яъни сайловлар орқали алмаштириш имкониятини берувчи, халқ томонидан сайланадиган, халқа хизмат қиливчи ва халқ томонидан назорат қилинадиган Президентлик институтини жорий эта бошлади. На-

тижада бугунги кунга келиб Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 193 та давлатнинг 130 дан ортиғида Президентлик институти фаолият кўрсатмоқда. Дунё мамлакатларининг учдан икки қисмида Президентлик институти амал қилаётганини сиёсий-ҳуқуқий қадрият сифатида баҳолаш ўринлидир.

Ушбу институт амал қилаётган мамлакатларнинг тажрибаси турлича бўлиб, ҳаммага андоза бўладиган ягона модель мавжуд эмас. Мамлакатларнинг табиати, геосиёсати, халқнинг менталитети, урф-одат, анъана ва маросимларидан келиб чиқиб, президентлик институтлари ўзига хос хусусиятларни касб этган. Ҳозирги жаҳон амалиётида Президентлар билвосита ва бевосита сайлов йўллари билан сайланади.

Бевосита сайловда Президент парламент (Германия, Италия каби) ёки сайловлар ҳайъати (АҚШ каби) томонидан сайланади. Бунда Президент парламентга ёки сайловлар ҳайъати олдида ҳисобдор бўлади.

Бевосита сайловда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро, яъни сайловчи тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали Президентни сайлайди. Президент эса халқ олдида ҳисобдор бўлади. Чунки у ваколатни парламентдан эмас, балки халқнинг ўзидан олади. Халқ мандатига эга бўлган Президент

дентликка номзоднинг юқори ёши белгиланмаган. Демак, халқ ишончига эга бўлган номзод 35 ёшдан юқори ёшнинг исталган даврида Президент этиб сайланниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ўзек халқи тарихида илк бор Президентлик институти 1990 йил 24 марта парламент томонидан жорий этилиб, ўзек халқининг бирин-



чи Президенти этиб Ислом Абдуғаниевич Каримов сайланган. Бу оламшумул тарихий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-сиёсий ҳодиса эди. Чунки халқ ўзи истаган ва ишонган шахсни давлат бошлиғи этиб сайлади ва шу санада Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бошланди. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи биринчи Президентнинг меҳнат фаолияти билан узвий боғланиб кетган десак, айни ҳақиқатни эътироф этган бўламиз.

1991 йил 29 декабрда Президент умумхалқ сайлови йўли билан бевосита халқ томонидан сайланди ва юртимизда кучли ижроия ҳокимияти вујудга келди. Ўша пайтларда кучли ижроия ҳокимияти яратилмаганида мамлакатимизда тинчлик ва осоишишаликни сақлаш мумкин бўлмас эди. Президент институтининг жорий этилиши тинчлик ва фаронлик кафолати бўлди. Миллий, диний ва этник кўринишдаги зиддият ва низоларга барҳам бериб, мамлакатни ривожланиш сари етаклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қонунчилигида Ўзбекистон Президенти этиб 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши билган, камида 10 йил Ўзбекистон худудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқаролари сайланishi мумкинлиги ўз ифодасини топган.

Ушбу қоида халқаро сайлов стандартларига тўлиқ мос келади. У ўзининг бир қатор афзалликларига ҳам эга. Айрим мамлакатлар сайлов қонунчилигида миллий ва этник хусусиятларга эътибор қаратилади. Ўзбекистон сайлов қонунчилигида Президентликка номзоднинг этник, миллий, диний ва ижтимоий белгиларига устуворлик берилимаган. Исталган миллат вакили, қаерда туғилишидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, Президентликка сайланиш имкониятига эга. Энг муҳими, номзод ватанпарвар, билимли, тажрибали ва халқ ишончига сазовор бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентига сайлов қонунчилиги ва амалиётининг бир қатор давлатлардаги сайлов қонунчилигидан устуворлиги шундаки, мамлакатимизда Президент сайловини мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик принциплари асосида фаолият юритувчи Марказий, округ ва участка сайлов комиссиялари ташкил этади ҳамда ўтказади. Бу дунё ҳамжамияти томонидан ўрганишга арзидиган ноёб сиёсий амалиётдир. Масалан, Германия, Италия каби ривожланган демократик давлатларда Президент сайловини ички ишлар идоралари (полиция) ўтказади.

Ўзбекистонда эса давлат ҳокимиятининг уч тармоғи (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти)га кирмайдиган давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи Олий Мажлис томонидан демократик асосда тузилган Марказий сайлов комиссияси Президентлик сайловини ўтказиб, сайлов натижаларини эълон қиласди.

Ўзбекистонда Президентликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эгалик қиласди. Фуқаролик жамиятининг бошқа субъектларига бундай ҳуқуқ берилмаган. Сайлов қонунчилигида бундай норманинг мустаҳкамланиши бир томондан Президент сайлови муқобиллигини таъминласа, иккичи томондан энг муносиб номзодни танлаш имкониятини вужудга келтиради.

Ўзбекистон Президенти сайловининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири кузатувчиларга сайлов кампаниясининг барча босқичларида иштирок этиш ҳуқуқининг берилиганинини. Айрим давлатларда эса кузатувчилар фақат овоз бериш куни

ҳозир бўлишади. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган тўртта сиёсий партияга сайловларда иштирок этишига ижозат берди. Сиёсий партияларнинг олий органлари (съезд, курултой) томонидан Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзодлар кўрсатилди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ, Президентликка номзодларга сайловолди ташвиқотини ўтказида тенг шароит яратиш мақсадида «Ўзбекистон», «Ёшлар» телерадиоканалларида 900 дақиқадан эфир вақти берилиб, «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока» газеталарида 10 саҳифагача нашр майдони ажратилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик принциплари асосида фаолият юритувчи Марказий, округ ва участка сайлов комиссиялари ташкил этилиб, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 нафардан зиёд вакиллари аккредитациядан ўтказилди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ сайлов жараёнини кузатишида миллий ҳамда халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиши назарда тутилган. Кузатув сайлов жараёнининг барча босқичларида амалга оширилиши мумкин. Ушбу сайловларда 70 мингдан ортиқ маҳаллий ва 400 га яқин халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиши таҳмин килинмоқда. Ҳозирда кузатувчилар мамлакатимизга ташриф буюра бошлашган.

Хулоса қилиб айтганда, сайлов комиссиялари томонидан Президентлик сайловига тайёргарлик ишлари халқаро сайлов стандартлари ва миллий қонунчилик талабларига мувофиқ юқори савиядада ташкиллаштирилмоқда. Сайловдан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш конституциявий ҳуқуқини таъминлаштирди. Сайловчиларнинг асосий вазифаси эса сайловларда фаол иштирок этиб, энг муносиб партиянинг сайловолди дастури ва унинг номзодига овоз бериб, жамиятнинг кейинги йиллардаги стратегик ривожланишини танлаб беришдир.

**Шавкатбек МАМАДАЛИЕВ,
Фалсафа Фанлари доктори,
профессор.**

Ўзбекистон-да Президентликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эгалик қиласди. Фуқаролик жамиятининг бошқа субъектларига бундай ҳуқуқ берилимаган.

энг кучли Президент ҳисобланади.

Ҳозирда Президентларнинг сайлов муддати ҳам турли мамлакатларда ҳар хил. Улар 4 йилдан 7 йилгacha муддатга сайланишади. Масалан, АҚШда – 4 йил, Германияда – 5 йил, Италия ва Францияда – 7 йил. Жаҳон амалиётида Президентликка 35 ёшдан кичик бўлмаганлар сайланишади. Прези-

Юксак мукофот соҳиблари

Марҳамат туманида Тоштановлар оиласини кўпчилик яхши билади. Сафарали ака бир умр мактабда ўқувчиларга сабоқ берди. Ойлархон опа туман касалхонасида шифокор бўлиб ишлади. Иккиси беш фарзандни эл қаторига қўшишди. Феруза муаллимлик касбини танлади. Ҳозир касб-ҳунар коллежида дарс беради. Файзулло – қўли гул дурадгор. Зулайҳо ва Зулфия уй бекалари. Улар фарзанд тарбияси билан машғул.

ҚАТЪИЯТЛИ ЙИГИТ

Фарзандларнинг кенжаси Алишер болалигидан бир сўзли, қатъиятли эканлиги билан ажralиб турарди. Шунинг учун бўлса керак осойишталик посбони бўлишга аҳд қилди. У мактабни битиргач, ИИБ Академиясига ўқишга кирди.

Нуфузли таълим мусасасини муваффақиятли тамомлаган лейтенант А. Тоштанов 2006 йилда Марҳамат тумани ИИБ жиноят қидирив ва ўшган жиноятчиликка қарши курашиб бўлинмаси тезкор вакили этиб тайинланди. Ёш мутахассисга тажрибали изқуварлар, майорлар Акбаржон Охунов ва Нодирбек Абдураҳимов соҳанинг сир-асрорларини ўргатишиди.

Хар қандай ёш ходим ўз касбининг устаси бўлиб етишишини истайди. Алишер Тоштанов ҳам ҳақиқий изқувар бўлиш учун жонжаҳди билан ҳаракат қилди. Йиллар ўтгани сайнин унинг тажрибаси, маҳорати орта борди. Э-хе, неча мартараб пистирмада турмади дейсиз. Куролланган, хавфли жиноятчilarни қўлга олишда иштирок этди. Жиноятчilar билан боғлиқ не-не чигалликларни ечишга муваффақ бўлди.

Чет элга ишлагани ке-тиб, яқинда уйига қайтган 35 ёшли А. Рашид ёш йигитларни йигиф, жиҳодчиликка тарғиб қилаётгани тезкор йўллар билан олинган маълумотларга кўра аниқланди. У йигинлар пайтида тўплланганларга диний-экстремистик мазмундаги адабиётлар тарқатар, мамлакатимида конституциявий тузумни ағдариб, халифалик ўрнатишга чакиради.

Рашид қўлга олинди. Унинг хонадони кўздан ке-чирилганида, диний-экстремистик руҳдаги адабиётлар, бузғунчилик мазмунидаги даъватлар ёзилган



дисклар топилди. Дастребки терлов ҳаракатлари чоғида у ўзга юртда ишлаб юрганида жиҳодчиликни тарғиб қилувчи диний экстремистларнинг таъсирига тушганлиги маълум бўлди. Юртимизга қайтгач эса ўзи ёт фояларни ёшларимиз орасида ўйишга уринган.

Унинг кўрсатмалари асосида бошқа давлатда ишләётган Марҳамат туманилик яна бир неча йигит диний-экстремистик оқимга аъзо бўлгани аниқланди. Муайян вақт ичидан уларнинг барчаси қўлга олиниб, жиноий жавобгарликка тортildi. Мазкур диний экстремистларни аниқлаш ва қўлга олиш бўйича тадбирларда катта тезкор вакил, майор Алишер Тоштанов ҳам фаол қатнашиди.

– Жиноятларни бартараф этиш, жиноятчilarни қўлга олишда турли усулларни ишга соламиз, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Вазиятга қараб топқирлик қилишимиз, жиноятчининг руҳиятини билишимиз лозим бўлади. Тўғри, баъзан ҳаётимизни хавф остида қолдиришимизга ҳам тўғри келади. Шундай дамларда ҳақ иш учун, эл-юрт осойишталиги йўлида курашаётганимиз бизга мадад бўлади.

Унинг адолатни қарор топтириш, жиноятга жазо муқаррарлигини таъминлаш йўлида кўрсатган фидойилиги бесамар кетмади. Ватан ҳимоячилари куни арафасида бир гурух ички ишлар идоралари ходимлари қатори Марҳамат тумани ИИБ ЖК ва УЖҚҚБ катта тезкор вакили, майор Алишер Тоштанов Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра «**Содик хизматлари учун**» медали билан тақдирланди.

Борис КЛЕЙМАН.
Андиксон вилояти.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ИБРАТГА МУНОСИБ ИШЛАР

МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК ТУФАЙЛИ АМАЛГА ОШМОҚДА

Дераза ортида ёмғир ёғишини кузатиб турган Анвар Ришатовни хаёллари ёшлик чоғлари, Самарқандга келган куни сари етаклади. Ўшанда ҳам худди шундай, тинмай ёмғир ёғарди. Поезддан тушган болалар, ёш йигит-қизларни илиқ кутиб олишди, худди ўз фарзандларидек бағирларига босиб, меҳр-мурувват кўрсатишиди.

Ўшанда у 9 ёшли бола эди, мана, энди 78 ёшга кирибди. Шу ерда улғайди, ўқиди, уйли-жойли бўлди, заводда ишлаб обру топди.

Ха, умр оқар сув мисоли ўтиб кетаркан. Турмуш ўртоги дунёдан кўз юмганига ҳам йигрма йил бўлди. Икки фарзанди эса ёлғиз ўзини ташлаб бошқа юрларга кетиб қолишиди. Такдир синовини кўрингки, ўн йил аввал тўсатдан оёқлари ишламай, ногирон бўлиб қолди. Хайрият, дўстлари, қўни-қўшилари, маҳалла дошлари бор, уни ёлғизлаб кўйишмади...

Шуларни хаёлидан ўтказган Анвар бобо эшик кўнғироги овозидан хушёр тортди. Ногиронлик аравачаси яқинда синиб қолганди, эмаклаб бориб зўрга эшикни очаркан, маҳалла раиси Мамат Козимов ва профилактика инспектори, майор Эркин Жалиловни кўриб аҳволидан бироз хижолат бўлганича уларни ичарига тақлиф этди.

Салом-алиқдан сўнг отахонни опичлаб ўз ўриндиғига ётқизган инспектор «Энди ҳеч қаҷон бундай эмаклаб юрмайсиз», дея маҳалла аҳли совға килган ногиронлик аравачасини унга топшириди.

– Давлатимиздан, сизлардан миннатдорман, – деди отахон кўзига ёш олиб. – Жисман ёлғиз бўлсан-да, маънан бус-бутунман, қўшиларим, дўстларим ҳабар олиб туришибди. Аммо икки ойдан бўён уйда ётавериб роса толиқандим. Энди аравачам бор, хоҳлаган пайтимда чойхонага чиқаман, дўстлар билан ўша жойда дийдорлашамиз...

Президентимиз таклифи билан жорий йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб номлангани Самарқанд шаҳридаги Эски Ҳазора маҳалла аҳлини ҳам руҳлантириб, бу борада ташабbuslar кўрсатишига унданмоқда.

Маҳаллада 676 та оила истиқомат қилади. Бу оила аъзоларининг бири олим, бири муҳандис бўлса, бошқаси ўқитувчи, яна бири психолог, умуман олганда, турли соҳаларнинг етук му-

ладаги ўшлар ўғил-қизларимдай бўлиб қолган: ҳар куни бири бўлмаса, бошқаси кириб юмушларимга қарашиб туради, тўй ва тадбирларда давранинг тўрига ўтқизишиди. Бундан ортиқ баҳт бўлиши мумкинми?

Яқинда маҳалладошларим, оқсоқол ва профилактика инспектори кўрсатган ташабbus бир ёшимга ўн ёш кўшиди: улар кўпчилик бўлиб уйимни таъмирлаб беришди, ҳовлимни тартибга келтириб, арча, ўрик, гилос каби мевали ва мандарин кўчкатлар ҳам ўтқазишиди. Юртим, маҳалладошларим учун ҳамиша дуодаман, қўлим кўксимда. Шундай дориломон кунларга етганима шукроналар айтаман...

Тинчлик барқарор бўлган жойда хайрли тадбирлар рўёб топавераркан. Эски Ҳазора маҳалласида ҳам ана шундай даражага эришишнинг ўзи бўлмаган. Сир эмас, бир неча йил аввал содир этилган жиноятлар ва ўшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг ортгани маҳалла аҳлининг юзини ерга қаратгани рост. Яшовчиларнинг тарқоқлиги, оқсоқол ва профилактика инспектори ўртасида мустаҳкам ҳамкорликнинг йўқлиги бунга асосий сабаб эди. Шу боис хизматларда тобланган, фуқаролар билан ишлашнинг ҳадисини олган майор Эркин Жалиловни шу маҳалла профилактика инспектори этиб тайинлашганида, тўғриси, соҳадошларидан айримлари «энди таомом бўлдинг» дейишганди. Лекин хизматнинг сир-асрорини пухта билган ходим учун ҳар қандай «оғир» ҳудудни ҳам энг намунали маскнага айлантириш мумкинлигини у тўрт йил орлиғида кўрсатди-қўйди. Бахтига ўша кезлари Мамат Козимов маҳалла оқсоқоли этиб сайланди. Бу икки фидойи инсоннинг тинчлик осойишталикини таъминлаш орқали эришаётган барча ютуклари омили, аввало, ўзаро бир-бирини яхши тушуниб, эзгу мақсад ўйлида қатъий ҳаракат қилишганидир.

Шунинг учун ҳам уларнинг амалга ошираётган ишларига барча хавас қилади, ибрат олишга интилади. Маҳаллада яшовчи фуқаролар эса шундай оқсоқоли ва профилактика инспектори борлигидан фахрланиб, ҳар ишда уларга мададкор ва елқадош бўлишмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.
Самарқанд вилояти.

ТАШАББУСКОРЛИГИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани ИИБ ҲООГ профилактика инспектори, капитан Фаёз Шодиев етарли билим ва салоҳиятга эга бўлган тажрибали ходим. Унинг бевосита ташабуси ва съй-ҳаракати билан ҳудудда хуқуқбузарлик ва жиноятлар камайиб, мавжуд муаммолар жойида ҳал қилинишига эришилмоқда.

Ҳозир капитан Ф. Шодиев хизмат кўрсатаётган «Навбаҳор» қишлоқ фуқаролар йигинида икки минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қиласди. Профилактика инспектори уларнинг «иссиқ-совуғи»дан хабардор бўлибгина қолмай, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказиб келмоқда. Бунда қишлоқ фуқаролар йигини раиси Маҳмуд Ҳасанов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Бозоргул Худоёрова ҳамда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Жаҳон Жумаев яқиндан ёрдам беришяпти. Айниқса, ҳамкорликда ўтказилаётган «Ўсмири», «Давомат», «Назорат», «Қидирув», «Мехмон», «Паспорт-виза» каби тадбирлар, долзарб масалаларни қамраб олган тушунтириш-тарбибот

ишлари ёшларнинг турли ёт foялар таъсирига тушиб қолишидан ҳимоя қилмоқда.

Ёшлар миллатнинг эртанги куни, келажагидир, – дейди «Навбаҳор» қишлоқ фуқаролар йигини раиси М. Ҳасанов. – Юртнинг истиқболи айнан уларнинг ўй-фирклари, орзу-мақсадлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига катта ўтибор бериляпти. Шу маънода профилактика инспектори, капитан Ф. Шодиевнинг ўғил-қизларимизнинг юрт тақдирини ўз тақдирни деб биладиган, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга қодир инсонлар бўлиб улғайиши ўйлидаги жонкуярлиги, жонбозлиги ҳамда ташабbusкорлиги таҳсинга сазовордир.

Соғлом оиласида соғлом фарзанд вояга етади.

Худудда оиласарнинг тинч-тотувлиги, ҳамжиҳатлигини таъминлашга энг муҳим вазифа сифатида ўтибор қаратилмоқда. Ҳусусан, инспектор бешта нотинч оила билан доимий равиша профилактик ишларни олиб боряпти. Яраштирув комиссияси билан ҳамкорликда иккита ёш оила сақлаб қолинди. Умуман олганда, маҳалла фаоллари ва осойишталик посбонининг биргаликдаги профилактик тадбирлари самараси ўлароқ, ўтган йили ҳудудда бор-йўғи битта мол ўғирлаш, енгил тан жароҳати етказиш ва хужжатларни сохталашириш жиноятлари қайд қилинди. Жорий йилнинг ўтган ойларида эса бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

**Бахтиёр РАҲМАТОВ,
лейтенант.
Бухоро вилояти.**

МАСЪУЛИЯТ ЯНАДА ОРТДИ

Ички ишлар идораларида ўтказилган ислоҳотлар самарасида қўриклиш хизматининг ҳам моддий-техник баъзаси мустаҳкамланиб, юқори натижалар кўлга киритилипти. Жумладан, Қорақалпогистон Республикаси ИИБ хузуридаги қўриқлаш бошқармаси томонидан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Ўтган йилда майдада ташмачилик билан шуғулланган 560 дан ортиқ фуқаро аниқланниб, 49 млн. сўмликка яқин моддийтовар бойликлар давлат ҳисобига қайтарилиди. Уч юз нафардан ортиқ фуқарога нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, жарималар ундирилди.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, «Samsung» компанияси корхонасидан 1 млн. 350 минг сўмлик маҳсулотларни олиб чиқиб кетаётган Н. Бисенов Кўнғирот тумани ИИБ хузуридаги туманлар аро қўриқлаш бўлими ходими, сафдор Азамат Қадиров томонидан ушланди. Мўйноқ туман касалхонаси «Тез ёрдам» автомашинаси хайдовчиси М. Қаражанов туман ҳокимиятига тегишли бўлган бешта кувурни пуллаш илинди.

Жида юрганида Мўйноқ тумани ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, кичик сержант Генжебай Қаржаубаев томонидан аниқланди. «Устуртгаз» унитар корхонаси ишчилари М. Давлетназаров ва Р. Артиқбаев беш тонна газ кондесатини ноқонуни олиб чиқсан вақтда уларнинг йўлига сафдор Турсинбай Бердимуратов фов бўлди.

— Қўриқлаш хизматининг қулай, ишончли, кафолатли эканлигини амалда исботляпмиз,

— дейди Қорақалпогистон Республикаси ИИБ хузуридаги қўриқлаш бошқармаси катта инспектори, подполковник Азат Казаев. Шунинг учун аҳолининг бизга бўлган ишончи тобора ортиқ бормоқда. Натижада, қўриқлаш объектлар сони ҳам кўпайб боряпти. Бу эса масъулиятни янада ошириб, бизнинг янада куч-гайрат билан хизмат қилишимизни тақозо этади.

Ходимлар жамоат тартибини сақлаш, паспорт тартиботи қоидаларига амал қилмаган ва бошқа турли хуқуқбузарликлар содир қилган шахсларни аниқлашда ҳам фаоллик кўрсатишпти. Улар соҳавий хизматлар ҳамкорлигига ўтказилган «Тозалаш», «Тун», «Қорадори» каби тадбирларда иштирок этиб, 36 нафар қидирувда бўлган шахсни қўлга олинишида саломокли ҳисса қўшди.

Дурдой ҲУДОЙШУКУРОВ.
Қорақалпогистон Республикаси.

ТУНУ КУН ҲУШЁР

Гулистон шаҳрида одам гавжум. Ҳар ким ўз юмуши, ташвиши билан юрибди. Кимдир бозорга шошса, яна кимдир дўйонларни айланади. Неварасини етаклаб олган кексалар бу кунларга етказганига шукронга айтиб, атрофга фарх билан қараб қўяди. Энг муҳими, ҳамма хотиржам, хаёли яхши ташвишлар билан банд. Тинчлик ва осойишталик ҳукмрон кўчаю хиёбонларда, бозорларда атрофни кузатиб юрган ички ишлар идоралари ходимларини кўрганлар янада хотиржам тортишади. Чунки осойишталик посбонлари хизматда.

Сирдарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони шахсий таркиби томонидан вилоят маркази Гулистон шаҳри ва Янгиер шаҳарларининг кўча ва хиёбонларида, шунингдек, оммавий томоша тадбирлари ўтказиладиган обьектларда жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, жиноят ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

– Жамоат жойларида талончилик, ўғрилик ва фирибгарлик каби жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида кундузги ва тунги патруль йўналишларининг зичлиги оширилди, – дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони командири, подполковник Сарвар Кўлдошев. – Ходимларимиз томонидан бошқа республика ва вилоятлардан келган, тегишли ҳужжатлари бўлмаган 131 нафар киши шахсига аниқлик киритиш учун вилоят ИИБ реабилитация этиш марказига келтирилди. Турли хуқуқбузарликларни содир этган тўқиз юзга яқин фуқарога нисбатан профилактика инспекторлари ва ЙПХ ходимлари билан ҳамкорликда маъмурий баённомалар тузилди, беш мингдан ортиқ шубҳали кўринган фуқаролар худудий милиция таянч пункт-



ларига, юздан ортиғи худудий ички ишлар идораларида, тўқсон нафари вилоят наркология диспансерига олиб борилди. Ҳамкорликда 14 та ва бевосита ходимларимиз томонидан 6 та жиноят фош этилди. Шунингдек, жиноят содир этиб тергов идораларида қочиб юрган 12 нафар шахс ушланди. Тўрт нафар бедарак кетган фуқаролар топилиб, уйларига қайтирилди. Айни кунларда давом этадиган «Тозалаш-Антитеррор» профилактик тадбирида батальон шахсий таркиби ҳам фаол иштирок этмоқда.

Шу ўринда улар томонидан фош этилган жиноятларга айрим мисоллар келтириб ўтсак. Гулистон шаҳрида яшовчи, муқаддам судланган Ш. Пётрнинг ўнг кўкрак қафасига ўтқиртиғли жисм билан уриб тан жароҳати етказилган ҳолдаги жасади топилди. Кичик сержант И. Жўраев ва сафдор Р. Хотамкулов томонидан олиб борилган тезкор суриштирув ишлари давомида ушбу қотиллик жиноятини шаҳарнинг 2-мавзесида яшовчи, муқаддам судланган, хеч қаерда ишламайдиган Ю. Игор маст ҳолда, ўзаро жанжал оқибатида содир этганлиги аниқланди ва кўлга олиниди.

Гулистон шаҳар Абай кўчасида яшовчи Ш. Рустамнинг уйи худудий профилактика инспектори билан кўздан кечирилганда, у ҳамشاҳарлари Д. Сергей, Х. Владислав, С. Александр ва А. Дамирлар билан гиёхвандлик моддасини тайёрлаб, игна орқали истеъмол килаётганликлари ППХ батальони ходимлари – сержант У. Жоникулов ва кичик сержант С. Махмудов томонидан аниқланди. Хонадонда гиёхвандлик моддасини тайёрлашга мўлжалланган буюмлар ҳамда ичада гиёхвандлик моддалари бўлган бир марталик шприцлар ашёвий далил сифатида олиниди.

Батальон ходимларининг ҳушёрлик билан олиб бораётган хизматлари давомида аниқланган жиноятларга яна кўплаб мисол келтириш мумкин. Энг муҳими, улар хизмат олиб бораётган худудларда хуқуқбузарлик ва жиноятлар камайиб бормоқда.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.
Сирдарё вилояти.
Муаллиф олган сурат.

ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

НИҚОБ ЖИНОЯТНИ ЯШИРА ОЛМАДИ

Ички ишлар идораларида хизмат қилаётган изкуварлар фаолияти билан танишар экансиз, уларнинг бурчга садоқатли, фидойи эканликларига яна бир карра амин бўласиз.

Қилғиликни қилиб қўйиб, қонун ҳукмидан қочишига уринган шахсларни Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ИИБ ЖК ва УЖҚБ ҳодимлари усталик билан кўлга олишяпти. Хизмат самарадорлигига эришишда кўп йиллик тажрибага эга бўлган катта тезкор вакиллар – капитан Дониёр Ёқубов, капитан Ботир Қаюмов каби ҳодимларнинг ҳиссаси катта. Улар ўз тажрибаларидан келиб чиқиб ёш ҳодимларга соҳа сирларини ўргатиб боришяпти.

Ўтган йилнинг ўзида туманда содир этилган ўғрилик, босқинчилик, талончилик каби жиноятлар изкуварлар томонидан фош этилди. Қилмишими ҳеч ким билмади, дея чучварани хом санаб юрган кимсаларнинг сўнгги манзили эса суднинг қора курсиси бўлди.

Тунда уйқуга ётаётганда, кимдир гараз ният билан пайтойлаб

Махсус режа асосида ҳаракат қилган тезкор ҳодимлар аввалига ўй атрофини ўраб олиши, сўнг улардан бир нечтаси ичкарига кирди.

Юришини ҳеч ким хаёлига келтирмайди. Ўша куни Г. Махлиё ҳам (исм-шарифлар ўзгартирилди) ўз уйда хотиржам дам оларди. Эшик аста очилиб айвондан қадам товушлари эштилганда қўзларини очди-ю, бемахал келган «мехмонлар»ни кўриб қичқириб юборди.

– Овозингни ўчир! Финг дессанг ўлдирамиз. Энди яхшиликча айт, пуллар қаерда?

Босқинчлардан бирининг кўлидаги пичоқ деразадан тушиб турган ой нурида ялтираб кўринди-ю, аёлнинг овози чикмай қолди.

Юзига никоб тақилган тўрт нафар барзанг қаршисида титраб турган ожиза уларнинг ҳар бир бўйргини қаршиликсиз бажара бошлиди. Пулларни кўлга киритган жиноятчилар Махлиёни ҳовлига олиб чиқишиди ва машинага ўтириб, унинг ўзига ҳайдашни буюришиди.

... Машина овлоқ бир жойда тўхтади. Жиноятчилар аёлнинг оёқ-қўлини боғлагб мавзуда қолдиришиди ва жуф-

Ўлкамизга кўклам келиши билан дала-ларда дехқонларнинг юмуши кўпаяди. Саховатли заминимизда мўл ҳосил етишириш ва эл дастурхонни тўкин-сочин қилишда дехқончилик, ерларни ўғитларга тўйдирин асосий ўрин тутади.

Айни кунларда фермерларимиз ризку рўзимизни кўпайтириш мақсадида буғдойзорларга минерал ўғит сочишаётпи. Уларга ўғитларни ўз вақтида беталафот етказиб беришда Транспортдаги ИИБ Республика темир йўлларида аммиакли селитра ташилишини кузатиш бўйича алоҳида миллиция батальонининг Навоий вилоятидаги «Тинчлик» темир йўл бекатига хизмат кўрсатиш бўйича 2-отряд ҳодимлари ибратли ишларни олиб воқеа жойидан кочиб қолишиди.

Орадан кўп ўтмай шунга ўхшаш яна бир жиноят содир этилди. Тунда фуқаро Ф. Йўлчиеванинг ўйига никоб кийган тўрт киши бостириб кирди. Улар ўй бекасини уриб, кўрқитиб хонадондаги сейф калитини кўлга киритишач, бир нечта тилла буюм ва пулларни олиб воқеа жойидан кочиб қолишиди.

Суриштирув-қидириув ишларини янада кучайтирган ҳодимларга туман ҳудудидаги кўп қаватли уйлардан бирининг хонадонидаги тўрт нафар номаълум шахс ижарада яшаб келаётгани маълум бўлди. Олиб борилган кузатув ишлари натижасида ҳар икки босқинчлики ҳам айнан улар томонидан содир этилгани ойдинлашди. Махсус режа асосида ҳаракат қилган тезкор ҳодимлар аввалига ўй атрофини ўраб олиши, сўнг улардан бир нечтаси ичкарига кирди. Ҳодимлар эшиқдан кўриниши билан жиноятчиларнинг иккитаси деразадан ташқарига сакради. Яна икки нафари қочишига улгурмай ҳодимларга қаршилик кўрсата бошлиди. Аммо абжир тезкор вакиллар уларни бир зумда кўлга олиб, билагига кишиш тақишиди. Нажот йўлини деразадан кидиргандарни эса ташқаридаги бошқа ҳодимлар кутиб олишиди.

Оҳангарон туманинда хизмат қилаётган изкуварлар фаолиятидан бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, фидойи, мард ва жасур ҳодимлар бор экан, ҳар қандай никоб жиноятни яшиrolмайди.

Паспорт бўлинмасида ҳодимларнинг самарали хизмат қилиши учун барча қулайликлар

ЎЗ ВАҚТИДА ЕТҚАЗИЛМОҚДА



вагонларни мамлакатимизнинг энг жанубий ва энг шимолий худудларига бир ярим минг километрдан ортиқ ўйлга кузатиб боришади.

Бир қарашда оддий тувлодиган бу хизматнинг ўзига яраша машиқатлари, захматлари бор, албатта. Дейлик поезд бекатларда тўхтаб турганида вагонлардаги юкларни ўмарига уриниб кўрувчи кимсалар учраб туради. Бундайларнинг баразлиятида пичга чиқариш мақсадида отряд ҳодимлари темир йўлчилар ва бошқа соҳавий хизматлар вакиллари билан ҳам-

корликда хушёрликни янада ошириб хизмат ўтшади. Баъзан юк ортилган вагонларни манзилга жўнатиш учун уч-тўрт кун кутишга тўғри келади. Бундай пайтларда ҳодимлар куну тун сокчилик қилишади.

Ўз иши ва топширилган вазифаларни бажаришда масъулиятни чукур ҳис этаётган осойишталик посбонлари томонидан кўриклиб борилаётган вагонларда кейинги йилларда бирорта ҳам ўғрилик содир этилишига йўл кўйилмайди. Шу тариқа мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожига баҳоли қудрат ҳисса кўшишди.

▼ Паспорт тартиботи – ҳаёт зарурати



Хазорасп тумани ИИБ паспорт бўлинмасида ҳам ахолига биометрик паспорт бериш самарали давом этмоқда. Шу билан биргана, белгиланган режа асосида бўлинма ҳодимлари томонидан «Паспорт-виза» тадбири ҳам ўтказилмоқда.

Туман ҳудудидаги корхона ва ташкилотларда, таълим мұассасаларида ҳамда ахоли турар жойларида фуқароларнинг паспорт тартиботи қоидаларига риоя этилиши юзасидан текширишлар олиб борилди. Тадбир давомида аниқланган ҳуқуқбузарларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиб, учрайтган муаммоларни зудлик билан ҳал этиш юзасидан тегишили ташкилотларга тақдимномалар юборилди.

Паспорт бўлинмасида ҳодимларнинг самарали хизмат қилиши учун барча қулайликлар

яратилган. Бу ерда биометрик маълумотларни йиғиш ҳамда паспортларни расмийлаштириш учун алоҳида хоналар мавжуд.

– Жорий йилнинг ўтган даврида 4 минг 400 нафардан зиёд фуқарога биометрик паспортлар топширилди, – дейди туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи, майор Ҳасанбай Каландаров. – Шундан 1154 нафари илк бор фуқаролик паспортига эга бўлаётган ёшлардир. Бошқа соҳавий хизмат ҳодимлари билан ҳамкорликда ўтказилган «Паспорт-виза», «Фуқаро» каби профилактик тадбирлар давомида паспорт тартиботи қоидаларига амал килмаган фуқаролар аниқланди ва улар белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, икки нафар чет эл фу-

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ТАДБИРЛАР

Мамлакатимизда эски андозадаги паспортни янги биометрик паспорта босқич-ма-босқич алмаштириш тартиби қизгин давом этмоқда. Фуқароларимиз барча замонавий андозаларга тўла мос келадиган мухим ҳужжат билан таъминланмоқда.

қароси мамлакатимизда бўлиш қоидаларини бузганлиги учун республика музакким ҳудудидан чиқариб юборилди.

Бўлинма ҳодимлари соҳа фахрийлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг етакчи мутахассислари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда маҳаллаларда, таълим мұассасаларида учрашувлар, давра сұхбатлари ўтказиб, ёшларимиз қалбida бу мухим ҳужжатга бўлган гурур ва ифтихор туйгусини янада шакллантиришга ҳаракат қилишмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини расмийлаштириш, алмаштириш, ундан фойдаланиш, рўйхатдан чиқариш тартиби, шунингдек, паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари

ҳам атрофлича тушунтириб бориляпти. Тадбирларда жамиятимизда гиёхандлик, одам савдоси, диний экстремизм ва терроризм каби хавфли иллатларнинг пайдо бўлишига йўл кўймаслик, ёшларнинг жиноят кўчасига кириб қолишининг олдини олиш каби мухим масалаларга ҳам кун тартибидаги асосий вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

Туман ҳудудида олиб борилаётган ҳамкорликдаги бундай тадбирлар юрт тинчлиги, ахоли хавфсизлигини таъминлашда мухим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Худойберган ЖАББОРОВ.

Хоразм вилояти.

Суратда: бўлинма инспектори, кичик сержант Дилмурад Машарипов фуқаронинг бармоқ изларини тизим базасига жойлаштироқда.

Мирзабой АБДУЛЛАЕВ
олган сурат.

Маърифат ва сиёсий ўқиши

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ ИЛК ДАВЛАТЛАРДА ХАВФСИЗЛИК

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида турли давлатларда олиб борилган археологик тадқиқотлар, қадимги тасвирларий санъат асарлари, фольклор манбалари (миф ва афсоналар), юнон, рим, хитой тарихчиларининг асарларидағи маълумотлар шундан далолат беради, ушбу минтақада давлатчилик асослари узоқ тарихий илдизига эга бўлиб, милоддан аввалги биринчи минг ийлилк бошларига бориб тақалади. Бу даврда жамият ҳаётидаги илк давлатлар юзага келиши билан уларнинг чегараларини кўриқлаш, аҳоли тинчлигини таъминлаш зарурати ҳам пайдо бўлган. Натижада ташки ҳужумлардан ҳимояланни мақсадида мудофаа иншоотлари барпо этила бошланган, ҳарбий қўшин тузиш, курол-ярголарни такомиллаштириш давлатнинг муҳим вазифасига айланган. Айни пайтда ички тартиби сақлаш, ўғирларлар ва бошқа жиноятга қарши курашиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Ватанимиз ҳудудидаги цивилизация ўчоқларидан бири бўлган қадимги Хоразм, Бақтрия давлатларида, Марғиёна ва Сўгдиёнада яшаган аҳоли дехқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик билан шугуллануб, ўзига хос моддий-маънавий маданиятга асос солган. Ҳудуддаги илк давлат бирлашмаларида дехқончилик ва чорвачилик, ҳунармандлик, ички, ташки савдо алоқаларининг ривожланиши, ўз навбатида ташки душмандан ҳимояланиш, кишилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларда ички тартиби таъминлаш, шаҳар-қалъаларни кўриқлаш учун аниқ функцияларга эга бўлган давлат бошқарув идораларини вуҷудга келтирган.

Маълумки, Марказий Осиёда аҳоли яшайдиган манзилгоҳларни ҳимоя қилиш мақсадида мудофаа иншоотлари куриш антаси жуда қадимдан шаклланиб, ривожланиб келган. Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, мудофаа иншоотларини барпо этиш анъанаси бронза даврига бориб тақалади. Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Жарқутон ва Сополитепа ёдгорликлари бунга мисолидir. Қадимги давлатларда шаҳарлар атрофи нафакат мудофаа, балки давлат чегараларини белгилаш мақсадида ҳам деворлар билан ўраб олинган. Девор куриш учун олинган тупроқ ўрнида ҳосил бўлган ҳандақ сув билан тўлдирилиб, мудофаа янада мустаҳкамланган. Ҳандақ устига курилган кўпликлар тунда кўтарилиб, эрталаб яна туширилган.

Девор ва ҳандақдан иборат бўлган мудофаа тизимлари тобора кучайиб борган ташки ҳужумлардан ҳимояланши учун кейинчалик кўшимча деворлар билан мустаҳкамланган. Девор бўйлаб камон ўқи етадиган масофада буржлар курилган. Буржларда димирий турадиган сокчилар нафакат ташқаридан бўладиган ҳужумдан оғоҳ бўлиши, балки қалъа ичдаги тартиб-осойишталики ҳам кузатиб туриши лозим бўлган. Девор бўйлаб ҳар 2-3 метрда ўқ отиш учун маҳсус тешниклар – шинаклар жойлашган. Бу иншоотлар аҳоли тинчлиги, давлат чегараларини ташки душманлардан ҳимоя қилиш мақсадида катта меҳнатлар эвазига, узоқ муддатларга мўлжаллаб курилган ва ўзига хос билим, маҳоратни талаф қилиб, санъат даражасига кўтарилиган.

Археолог олимларнинг маълумотларига кўра, Самарқанд (қадимги Афросиёб) милоддан аввалинг VIII-VII асрларда ёк ашар киёфасига эга бўлган. Бу даврда шунингдек, Бухоро, Хива, Термиз, Қарши (Насаф), Шахрисабз (Кеш), Куба қаби шаҳарлар вуҷудга келган. Ўз-ўзидан маълумки, шаҳарлар тарихи бу маъмурӣ-бошқарув, яъни давлатчилик тарихи ҳамdir.

Милоддан аввалиг биринчи минг ийлика Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, минтақасида кенг тарқалган зардуштилик динининг муқаддас китоби ҳисобланган «Авесто»да ҳам ушбу минтақалардаги давлатчилик тарихи, сиёсий ва ҳукукий фоялар, одам-

дилар, марғиёналиклар, сакмассагет қабилаларининг (Тўмарис, Широқ, Спитамен) жасорати ва ҳарбий маҳорати ҳақида юнон-рим тарихчиларининг асарларида кизикларли тарихий маълумотлар учрайди. Дунёнинг кўпгина ҳудудларини ҳеч бир қаршилик изгллаган Кир II, Доро I ва македониялик Александр илк бор Марказий Осиё заминида каттиқ қаршилика учраб, мағлубият аламини торган.

Бу даврда қадимги Хоразм Сирдарёдан Ўрта Афғонистонга бўлган ерларни (Бақтрия ва Гиркания бундан мустасно) ўз таъсир доирасида тутиб турган ийрик давлат бирлашмасига айланади. Хоразм ҳукмдорлари ўз тангларини зарб этишган. Пул тизимининг жорий этилиши давлатчилик ривоҳидан далолат бериши билан бир каторда иқтисодий муносабатлар равнақи учун турткি бўлгани ҳам шубҳасиз. Иқтисодиётнинг ўсиб бориши давлатни давлат қилиб турган омиллардан бири – катта ва кучли лашкарни доимий шай ҳолда тутиб туришга имкон яратган. Хоразмликларнинг ҳарбий маҳорати ўз даври учун юксак даражада бўлган. Хоразмликлар янги ҳарбий тактика – отлари ҳам, ўзлари ҳам оғир совутлар-

ларнинг ҳукуқий онг даражаси, мулкий, никоҳ-оила муносабатларини тартиби солувчи ижтимоий нормалар, жиноят ва жазо, суд, суд амалиёти масалалари тўгрисида қизикларли маълумотларини учратиш мумкин.

Тадқиқотлар (А. Перханян, С. Ганбаров) томонидан «Авесто»нинг таркибий қисми бўлган «Вандидод» («девларга қарши қонун», Зардуст ва Ахура Мазда таркибидаги мuloқотни ифодаловчи 22 боб фаргардан иборат бўлиб, Ахура Мазданинг ҳукукий ва маросимга тегишли саволларга жавобларини ўз ичига олади) матнлари асосида ўша даврда ги жиноятларнинг таснифи тутилган.



«Авесто»да жиноят учун жазо-нинг маълум тизими белгиланган. Ушбу тизим ўлим жазоси, қамоқ, жисмоний жазо (калтаклаш), гуноҳни ювиш (етказилган зарарни қоплаш), бадарга қилиш, қондошлик уччи кабиларни ўз ичига олган. Такорий жиноятлар ҳақида ҳам тўхтаби, уларни содир қилганлик учун янада оғир-рок жазо белгиланади.

Шунингдек, «Авесто»да суд манзиларига эътибор берилиб, одил судлов учун маҳсус мўлжалланган шахслар ҳақида маълумот берилади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, «Авесто» яратилган даврда Марказий Осиёда сиёсий ва ҳукукий фоялар ривожланиб, кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартиби соладиган, жамият аъзолари томонидан кўриқланадиган нормалар ишлаб чиқилган. Айни пайтда, ушбу нормаларнинг ижросини таъминлайдиган ўзига хос бошқарув ва тартиби солиш аппарати ҳам шаклланган. Зеро, қачонки жамиятда кучли тартиб-интизом, қонунчилик қарор топса, энг муҳими, бу тартибларни кўриқлайдиган давлат аппарати – ҳарбий қўшин, бошқарув идоралари мавжуд бўлсагина, ийрик шаҳарларнинг вуҷудга келиши, улкан сув иншоотлари, қалъа, кўргонлар, ибодатхоналарнинг курилиши, ички-ташки савдо алоқаларининг ривожланиши юз бериши мумкин.

Милоддан аввалиг VI асрда ватанимиз ҳудудига бостириб келган Аҳамонийлар кўшинига, кейинчалик юнон-македон босқинчиларига қарши курашган ажоддларимиз – бақтрияликлар, сўф-

га чулғаниб елкама-елка қаторга тизилиб, камон, наиза, узун қилич билан куроллануб, рақибни ўзларига яқинлаштирилган душманни ўраб олиб қириб ташлаш усулига асос солганлар. Умуман, оғир отлиқ сафлари билан жанг қилиш маҳорати бошқа мамлакатларга ўлқамиздан тарқалганини алоҳида қайд этишлизим.

Милоддан аввалиг II-I асрларда Фарғонада ҳам минтақадаги ийрик давлат тизимларидан бири мавжуд бўлган. Милоддан аввалиг II минг ийликларда ёк бу ерда дехқончилик билан бирга чорвачилик, балиқчилик, ҳунармандлик соҳалари жиддий равишда юксалиб боргандар археолог олимлар томонидан тасдиқланган. Ўша даврда ушбу минтақада сафарда бўлган хитойлик элчи Чжан Цян Фарғонада кам дегандан 60 минг оила, яъни 300 минг киши истикомат қилишини ёзиб колдирган. Бошқа бир манбада Фарғона лашкарининг ўзи 60 минг кишидан иборатлиги айтилиб, бошқарув тизимида хукмдор, унинг иёрдамчиси (вазири) ва оқсоқоллар кенгаши фаолият кўрсатганини қайд этилган. Оқсоқоллар кенгаши мамлакат ижтимоий, сиёсий ва ташки муносабатларида фаол иштирок этиш билан бирга, олий ҳукмдор фаолиятига боғлиқ тадбирларда қатнашиш имконига ҳам эга бўлган. Уруш очиш, сулҳ тузиш, янги ҳукмдорни тайинлаш, уни таҳтдан маҳрум этиш каби тадбирларда ушбу кенгаш етакчи ўрин тутган. Фарғонада мавзумий бўлиниши ҳақида хитойлик муаллиф «Даванда» (Фарғонада)



70 га яқин катта-кичик шаҳарлар мавжуд, Даван ва Даҳя (Бақтрия) ўртасида ўхшашликлар кўп дея гувоҳлик беради.

Фарғоналик ҳарбийлар айниксу от устиди ўтириб, камондан ўтишинг устаси бўлган. Улар наизалардан ҳам фойдаланган. Лашкарнинг жанговар қисмини отлиқлар ташкил этган, деб фарз қилиш мумкин. Фарғона ҳарбийлари мудофаани ташкил этишда шаҳарлар имкониятидан кенг фойдаланган. Масалан, пойтахт шаҳар Эрши (ҳозирги Марҳамат ўрнида) ички ва ташки деворлар билан ўралган. Шаҳарнинг ички қисмida узоқ муддатга етарли озиқ-овқат сақланувчи омборлар ва бошқа керакли иншоотлар бунёд этилган.

Хитойликларни лол қолдиранг ажойиботлардан бири бу наслдор отлар – аргумоқлар эди. Фарғоналиклар иложи борича зотдор отларни кўлдан чиқармасликка, ўзга юртларга тарқалмаслигига интилган. Бошқача айтганда, юртимизда ўша узоқ замонларда ёк наслчилк ишлари билан жиддий ва доимий радиша шуғуланилган.

Илк ўрта асрларда минтақада хукм сурган давлат ва давлат ўшмаларида иқтисодий тараққиёт, сиёсий барқарорликни таъминлаш учун нафакат ташкил ҳам ҳужум, ҳавф-хатарни бартараф этиш, айни вақтда ички тартиб-осойишталикини таъминлаш, савдо-сотик, ер-мұлклик соҳаларидағи тартиббузарликларга қарши курашиш ҳам мұхым аҳамиятга эга эди. Бундай шароитда яхши куролляроғи дастанасига ҳам олтин бўрияни боши кийдирилган. Жангчилар шамшир, наиза, узун оғир қиличлар билан куролланган, яқин масофадаги қўл жангни олиб бориши мослашган, отда юриб ўқишига мөхир бўлишган, танани ҳимоялаш мақсадида темирдан ясалган совет, дубулға, қалқонлардан фойдаланишган.

Кўшин бошқарувини турли даражадаги ҳарбий амалдорлар олиб борган. Улар орасида энг юқорилари жабгу (ябғу), тегин, элтабар бўлиб, барча мансаблар отадан ўғилга мерос бўлиб ўтара Ашина хонадони аъзоларидан тайналанар эди.

Кўплаб қабила ва элатларни бошқариб туриш, улардан солик, ўлпонларни йигиб олиш мақсадида хоқонлиқда маҳсус маъмурий, ҳарбий-сиёсий бошқарув тизими жорий этилган эди. Үнлик тизимга асосланган мунтазам кўшин, кўп сонли, интизоми ва тезкор отлиқ кўшинга эга бўлганлиги хоқонликка ўз даврининг курдатли давлатларидан бирига айланисига имкон берган.

Хулоса қилиб айтганда, қарийб уч минг ийлилк тараққиёт ўйлини босиб ўтган ўзбек давлатчилиги тархида давлат ва жамиятнинг ҳавфсизлиги, юрт тинчлиги, осойишталигини сақлаш, чегаралар даҳлизлиги, халқнинг эрки, озодлиги, маданий тараққиётини таъминлашга қадимдан катта ўтибор берилган. Худуддаги қадимги давлатларда тартиб-интизом, конуниликтарни аксариети кўчманчи туркий халқлардан иборат бўлиб, улар ўз қавмидощлари билан худудий ҳавфсизлигини таъминлашади якиндан ҳамкорлик қилишган. Илк ўрта асрларга оид Самарқандаги Чокардиза қабристони чокарларнинг қароргоҳи бўлган. Чокардиза – чокарлар қалъаси деган маънени билдиради. Чокарлар маҳорати жангчиларни ҳисобланган ва мамлакат мудофаасининг таяничи, кўшиннинг ўзагини ташкил қилиган. Улар тинчлик, ҳавфсизлик гарови хисобланган.

VI асрда вуҷудга келган Турк хоқонлиги ўзбек давлатчилиги тарихининг мұхим босқичларидан бири бўлиб, кўпгина археологик топилемалар ва ёзма манбаларда хоқонликнинг давлат бошқарув, кўшин тузилиши, курол-ярголари, жангчиларнинг кийимлари ҳақида маълумотлар берилган.

Элбек НОРМУМИНОВ,
ИИВ Тарихи музейи бошлиғи,
катта сержант.

МУРОЖААТ ЭТИШ ҲУҚУҚИНИНГ КОНУНИЙ ҚАФОЛАТЛАРИ

Маълумки, мурожаат қилиши ҳуқуқи ҳар бир фуқаронинг муҳим конституциявий ҳуқуқи бўлиб, қайсиdir маънода унинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишидек сиёсий ҳуқуқларининг узвий қисмини ташкил этади. Фуқаролар мурожаат қилиши орқали бузилган ҳуқуқларини, эркинликларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳамда жамият фаолиятни таомиллаштириш бўйича тегишилича ўз илтимослари, талаблари ва тавсияларини илгари сурадилар.

Мурожаатлар ўз моҳиятига кўра демократик восита бўлиб, давлат органлари ва муассасалари эътиборини одамлар ҳаёти учун муҳим жиҳатларга қаратиш, уларнинг ишига ҳалк томонидан бўлаётган ижтимоий фикр ва баҳони билишда ҳам долзарб аҳамиятга эга. Зеро, Юртбошимиз Ислом Каримов тақидлаганларидек, «Ҳар қайси мурожаатнинг ортида тирик жон турибди, уларда кимнингдир арз-доди, керак бўлса, дарди, айrim амалдорлар томонидан йўл кўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим. Бу масалалар бўйича биз қанча лоқайд ва бетараф бўлиб юрсак, одамларнинг норозилиги шунча кўпаяди».

Шу маънода 2014 йилнинг 4 декабрида матбуотда эълон қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиши тартибини янада таомиллаштириш, шунингдек, юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш, ушбу соҳадаги қонунбузилишлар учун жавобгарликни белгилаш, шунингдек, давлат органларига, мансабдор шахсларига мурожаатлар тартибини янада таомиллаштиришга қаратилган.

Қонуннинг 2-моддасида ушбу Қонуннинг амал қилиши: кўриб чиқиши тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, ҳўжалик процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга нисбатан татбиқ этилмаслиги алоҳида белгилаб қўйилди. Чунки барчамизга маълумки, маъмурий жавобгарлик, фуқаролик-процессуал, жиноят-

яят-процессуал, жиноят-ижроия, ҳўжалик-процессуал муносабатлари бу соҳадардаги маҳсус қонунлар билан тартибга солинади. Бундан ташқари, мазкур моддада ушбу Қонуннинг амал қилиши давлат органларининг, шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмаслиги алоҳида белгилаб қўйилди.

Қонунда мурожаатларнинг шакллари, турлари, уларга кўйилладиган талаблар, бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, мурожаат этиш ҳуқуқларининг кафолатлари, мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби, муддатлари, мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари, мурожаатларни кўриб чиқиша жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг мажбуриятлари, моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганик учун жавобгарликка оид қоидалар ҳам ўз ифодасини топган.

Мазкур қонуннинг аввали «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан фарқли жиҳатларини кўйидагиларда кўришимиз мумкин.

Биринчидан, юридик шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига мурожаатлари соҳасидаги муносабатлари қонун йўли билан тартибга солинган.

Иккинчидан, мурожаатни бериш шакли сифатида электрон мурожаатни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида бериш мумкинлиги ҳуқуқий мустаҳкамлаган.

Учинчидан, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жадваллари ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда

қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, шунингдек қабул қилиш тартиби давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши белгиланган.

Тўртинчидан, давлат органларининг шахсий қабулни ўтказувчи раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари ҳар қандай масалалар, шу жумладан ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қонунда белгиланган ҳолатдан ташқари ҳолларда қабулни рад этишга ҳакли эмаслиги таъкидланган.

Бешинчидан, шахсий қабул давомида давлат органнинг раҳбари қарорига кўра ҳамда мурожаат этивчининг ёзма розилиги билан маҳсус техника воситалари (аудио ва видео ёзув, шунингдек фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Олтинчидан, давлат органларининг раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан сайёр шахсий қабуллар ташкил этилиши мумкинлиги айтилган.

Еттингчидан, агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан кўриклидан бўшқа сирин ташкил этивчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ўзлашибдан сўраклаётган ахборотни ўн кун ичидан тақдим этиши шартлиги белгиланган.

Саккизинчидан, агар мурожаатда кўйилган масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатни кўриб чиқиша иштирок этиш учун давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилиши кўзда тутилган.

Тўққизинчидан, жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатларини улар кўриб чиқиляётган вақтда мурожаат юзасидан қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёхуд электрон шаклда ариза бериш орқали қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Мурожаатни қайтариб олиш ҳақидаги

ариза давлат органлари томонидан қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чоралар кўрилишини истисно этмаслиги керак.

Үнинчидан, мурожаатларга жавоблар, мумкин қадар, мурожаат этилган тилда баён қилиниши, мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад этивчи ёки тасдиқловчи аниқ асосларни (заруратга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда) ўз ичига олган бўлиши лозим.

Ўн биринчидан, мурожаатларни кўриб чиқаётган давлат органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида мурожаатлар энди бир йилда камида бир марта умумлаштириб, таҳлил қилиб борилади (аввалги қонунда аниқ муддат белгиланмаган эди).

Қайд этиш жоизки, баъзи ҳолларда мурожаатларни белгиланган тартибда кўриб чиқиша мутасаддилар томонидан сансалорлик ва расмиятилик, камчиликларни ўз вақтида бартараф этимаслик, айбор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрмаслик ҳолатлари учраб туради. Натижада мурожаатлар сони ортишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатларга йўл кўймаслик мақсадида Қонунда давлат органлари мурожаатларни кўриб чиқиша ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ўзлашибдан сўраклаётган ахборотни ўн кун ичидан тақдим этиши шартлиги белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган қонун замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларидан фойдаланиб мурожаатларни киритиш имкониятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатларини белгилади ҳамда давлат органларининг ушбу соҳадаги ишини сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш имконини беради.

Миравзал МИРАКУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти бўлим бошлиги.

электрон ҳужжат шаклида бўлиши керак.

Қонун мурожаат этиш ҳуқуқларининг бир қатор кафолатларини ўзида мустаҳкамлаган бўлиб, унга кўра мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда камситишига йўл кўйилмайди. Мурожаатлар давлат органлари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқиши шарт. Жисмоний ёки юридик шахс мурожаатни қабул қилиш ва кўриб чиқиши шарт. Ҳисмоний тасдиқловчи аниқ асосларни (заруратга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда) ўз ичига олган бўлиши лозим.

Ўн биринчидан, мурожаатларни кўриб чиқаётган давлат органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида мурожаатлар энди бир йилда камида бир марта умумлаштириб, таҳлил қилиб борилади (аввалги қонунда аниқ муддат белгиланмаган эди). Унга кўра аноним мурожаатлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар кўриб чиқмайди. Аноним мурожаатлар деб жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо (электрон рақамли имзо) билан тасдикланмаган мурожаатлар ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган қонун замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларидан фойдаланиб мурожаатларни киритиш имкониятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатларини белгилади ҳамда давлат органларининг ушбу соҳадаги ишини сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш имконини беради.

Тунги репортаж

ДОИМО БЕДОР ХОДИМЛАР

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда).

— Тунги хизматга жалб этилган ходимларнинг асосий вазифаси, нафақат ахоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, балки содир этилиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳукуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига хавф туғдириши мумкин бўлган салбий ҳолатларга қарши курашишдан ҳам иборат, — дейди туман ИИБ бошлиғи, подполковник Шухратжон Сотовидиев. — Улар хизмат вақтида асосий эътиборни ўзларига бириттирилган ҳудудлардаги давлат аҳамиятига молик иншотлар, таълим масканлари, кафе-барлар, интернет-клублар, бозорлар, спорт мажмуалари ва албатта, ахоли яшаш жойларининг хавфсизлигига қаратишиади.

Пойтахт кўчалари худди кундузгидек чароғон. Ўзимизда ишлаб чиқариётган автомашиналарни кўриб кўзининг қувнайди. «Бунёдкор» ўйингоҳининг камалаксимон рангларда товланиши қалбингизда фаҳр-ифтихор тўйғуларини уйғотади.

— Дунёнинг кўплаб давлатларида нотинчлик ҳукм суроётган бир паллада тинчликнинг қадри янада кўпроқ билинади, — дейди ҳамроҳимиз, туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Шухрат Фуломов. — Мана шу азиз неъматни кўз қорачигидай асрараш йўлида хизмат қилиш ҳар бир ходимга гурур бағишлидай. Кўплаб ходимларнинг ота-оналари, фуқаролар билан сұхбатлашганимизда, бугун ички ишлар идораларида хизмат қилиб, юрт осойишталигини таъминлаш муқаддас бурчга айланниб бораётганини эшишиб қувонамиз.

Соат 21.50.

Маълумки, Тошкент автовокзалига ҳар куни юзлаб фуқаролар ташриф буюради. Улар орасида турли тоифадаги инсонлар борлиги, шубҳасиз. Шу боисдан мазкур худуд осойишталигини таъминлаш ходимлардан алоҳида зийраклик ва масъулият талаб этади. Автовокзал «Якабоғ» маҳалла фуқаролар йигини ҳудудида жойлашган бўлиб, бу ердан 338-милиция

таянч пункти ҳам ўрин олган. Туман ИИБ маҳаллий постпатруль хизмати милиционерлари – катта сержантлар Эркин Султонов ҳамда Иззатилла Содиков автоуловларнинг қаровсиз қолмагани, ҳудуднинг осойишта эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун теварак-атрофни яна бир бор кўздан кечирди.

Соат 22.15.


Автомашиналарда пойтахтга ташриф буюрган Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларидан тортиб Қорақалпоғистон Республикалари ахолисигача, ҳатто хорижий давлатлар вакиллари ҳам шу туман ҳудудидан ўтади. Ағуски, ҳаммани ҳам пойтахтга яхши ниятда ташриф буюрятти, деб бўлмайди. Мамлакатимиз пойтахтига ноқонунинг маҳсулотлар, тури гиёҳвандлик моддалари ва бошқа тақиқланган нарсалар, шунингдек, ёвуз нияти, шубҳали шахслар кириб келишининг олдини олишда «Эркин» ЙПХ масканида со-

шахар ИИББ кинология хизмати ЙПХ гурухи кичик инспектор-кинологи, кичик сержант Шуҳрат Шокирбоев. — Буни аниқлашда «Бим» лакабли хизмат ити катта ёрдам берди. Гиёҳвандлик моддаси ҳайдовчи ўриниди тагида, ялтироқ қофзга ўраб кўйилган экан...

Шу ўринда юрт осойишталигини таъминлашда фидойилик кўрсатиб, ҳамкасларига намуна бўлаётган Тошкент шахар ИИББ ЙПХ бригадаси 3-дивизион 4-сафарбарлик гурухи инспекторлари – катта сержант А. Рамазанов, кичик сержант Р. Саҳобиддинов, ППХ бригадаси 3-батальон 4-отряд милиционери, сафдор С. Маматовлар номини алоҳида таъкидлаш лозим.

Соат 22.40.

Тун яримлаб бораётган маҳал 309-марказий милиция таянч пунктида бўлиб, ахоли осойишталигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишдик. Маз-



тўхтаган. Автотурагоҳлар, кўчалар, маданият ва истироҳат боғлари ҳамда бошқа жойлар тунги хизмат ходимлари томонидан мунтазам назорат қилиб борилмоқда. Йўл-йўлакай подполковник Ш. Фуломов жиноятчилик ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада камайгани, бунда ходимларнинг хизмати катта эканлигини мисоллар орқали сўзлаб берди.

Туман ИИБГа «Олмазор» мавзееси 16/1-ўйда жойлашган интернет-кафе бошлиғи



ҳавий хизматлар вакилларининг ҳамкорликда хизмат олиб бораётгани муҳим аҳамият касб этади.

Бу ерда вазифасини бажараётган ходимларнинг фидойиликлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Уларнинг ҳушёр ва сергакликлари боис кўплаб жиноятлар фош этилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Яқинда, ярим тунда Тошкент вилоятида яшовчи фуқаро бошқарувида бўлган енгил автомашина текширилганда ўтқир ҳидли гиёҳвандлик моддаси борлиги маълум бўлди, — дейди Тошкент

кур милиция таянч пункти профилактика инспектори, лейтенант Жаҳонгир Акбаров соҳавий хизматлар вакиллари билан бирга осойишталикка масъул экан.

— Учта маҳалла худуди навбатма-навбат кечао кундуз назорат қилинади, ҳар куни содир бўлган воқеалар, вазият ҳақида ахборот берамиз, — дейди Ж. Акбаров.

У милиция таянч пунктига хизматга келган ходимларни қайд этиш китобига соҳавий хизматлар ҳамда жамоатчилик вакиллари тўғрисидаги маълумотларни киритар экан, ахолининг осуда ором олиши учун мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, ахоли ва раҳбарият томонидан билдирилган ишончни оқлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Давлат аҳамиятига молик иншотлар ва ахоли хона-донларининг ишончли кўрикливи таъминлананаётгани хотиржамлигимиз гаровидир. Туман ИИБ ҳузуридаги кўриклиш бўлими 4-ТКП ходимлари бу борада самарали хизмат олиб борилмоқда.

Бу вақтга келиб кафе-барлар, интернет-клублар, маший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти аллақачон

Б. Самадов ҳамда у ерда бўлганлар тун осойишталигига масъул ходимлар томонидан олиб келинди. Чунки соат 23.00 дан ошган бўлишига қарамай у ўз фаолиятини давом эттираётган экан. Б. Самадов иш бошқарувчиси бугун вақтидан сал кечиккани, қолаверса, кредити борлигини айтиб, бу ҳолат бошқа тақорламаслигини қайта-қайта таъкидлади...

— Миллий қадриятларимизга зид компютер ўйинларига ҳаддан ташқари берилиш инсонларда, айниқса, ёшларда турли салбий хислатларга мойилликни кучайтиради, — дейди туман ИИБ ҲООБ вояға етмаганлар ўтасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликлар профилактикаси гурухи инспектори, катта лейтенант Аброржон Худойбердиев. — Шунинг учун ҳам Тошкент шахар ҳокимлигининг «Тошкент шахрида интернет тармоқлари ва компютер орқали хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида таълим муассасалари ва маҳаллаларда учрашув, давра сұхбатлари доимий равишида ўткази-

либ келинади. Ота-оналар фарзандлари тарбиясига жиддий эътибор қаратса, нафақат уларнинг таълим-тарбияси яхшиланади, балки турли ҳукуқбузарлик ва жиноятчиликлар сони ҳам кескин камаяди.

Дарҳакиат, ёш авлод таълим-тарбиясига эътибор қаратиш буғунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Чунки бугун илм олаётган ёшлар эртага ютилиз равнақига муносаб хисса кўшувчи, унинг осойишталигини таъминловчи ватанпарвар инсонлар бўлиб вояга этишиши лозим.

Туман ИИБ навбатчилик қисмидан рация орқали «Тун» тадбири иштирокчиларини огоҳлик ва ҳушёрлик билан хизмат олиб боришлари ҳақида кўрсатмалар бериб борилди. Навбатчилик қандай ўтгаётгани, ҳудуддаги криминоген вазият ҳақида доимий равишида ахборот алмасилиб турildi.

Туман осойишталигига масъул бўлган бошқарма бошлиғи ўринбосари, подполковник Абдураҳим Фофуров, «Тун» тадбири бўйича масъул, туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ бўлинма бошлиғи, майор Абдумалик Ҳасанов, Тошкент шахар ИИББ ППХ бригадаси 3-батальон 3-отряд командири ўринбосари, катта лейтенант Эрали Пернабоев ва 4-отряд милиционер-ҳайдовчиси, кичик сержант Арслон Рустамов сингари осойишталик посбонлари билан сұхбатлашганимизда, эл корига яраш улкан баҳт эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Зоро, шу муқаддас замин тинчлиги, отоналаримиз, фарзандларимиз ҳамда сизу бизнинг хотиржамлигимиз учун кечаю кундуз хизмат олиб бораётган ички ишлар идоралари ходимларининг фаолияти ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

Юртдошларимиз яна бир осуда тонгни қарши олиши. Қўёшнинг заррин шуълалари атроғфа таралар экан, бироз ҷарчаган осойишталик посбонларининг юз-кўзларидан куонч порлаб турарди. Ахир, улар зиммаларида она-Ватан тинчлигини, фуқароларимиз хотиржамлигиги асрарашдек муқаддас вазифани шарап билан бажариши.


Шерзод АБДУСАМАДОВ.
Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.





БИР ДАРДНИНГ ЎН САБАБИ

Ўт пуфаги жигарнинг олдинги ўнг бўлгада жойлашган ноксимон тузилишига эга аъзо. Сафро эса одам организмининг иккинчи юраги бўлмиш жигар тўки масида ишлаб чиқарилади ва ўт пуфагида йигилади. Овқат ҳазм қилиш пайтида ўт пуфаги қисқариши натижасида суюклик 12 бармоқли ичакка тушади. Ўт суюклиги ишқорий хусусиятга эга бўлиб, ўт кислотаси, холестерин, оксил, гармон ва витаминалардан иборат. Ўт суюклиги ёғларни парчалаб, дармондориларнинг сўрилишига ёрдам беради, ичаклар ҳаракатини кучайтиради.



Организмда моддалар алмашинишида моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида ўт пуфаги ва унинг йўлларида тош пайдо бўлиб, ўт димланиб қолиши билан кечадиган касаллигидир. Ўт-тош касаллиги секин-аста ривожланади. Кўпинча, бемор бир неча йиллар давомида ўнг биқинида оғирлик сезиз юради, оғиз тахирлашиб, жигилдон қайнайди. Бундай пайтида дарҳол шифокорга мурожаат қилиши керак. Ўт-тош хасталиги кенг тарқалган бўлиб, у ри-

катланиш, шошилиб ейиш ва овқатланиш маромининг бузилиши ҳам ўт-тош касаллигини келтириб чиқарувчи сабаблардан биридир. Бу касалликнинг ривожланишига энтероколит, гижжалар, кўричак, яллигланиш жараёнлари, шунингдек, сурункали ич қотиши, ирсий мойиллик ҳам сабаб бўлиши мумкин.

ХАСТАЛИКНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Ўт-тош касаллигининг клиник кўриниши ҳар хил, яъни асосан асоратли ва асоратсиз турларга ажратилади. Асоратсиз тури диспепсия, ўт ёки жигар санчиғи кўринишида бўлади. Диспепсик ҳолат касалликнинг доимий белгиси ҳисобланади. Бемор вақти-вақти билан пайдо бўладиган қорин устидаги ва ўнг қовурға остидаги оғирликдан, кекириш, қайт қилишдан шикоят қилади.

Беморлар кўпинча, енгил овқатлар, тухум, пишлок, ҳамир овқатни кўтара олмайди. Баъзан, овқат егандан сўнг 3-4 соат ўтгач ўнг қовурға остида оғирлик пайдо бўлади. Оғирlik ўнг курак соҳасига ва орқага тарқалиши ҳам мумкин. Ич кетиб, нахасга кўп

микдорда ўт ажралади. Ўт-тош касаллигининг ўзига хос белгиси жигар ёки ўт санчиғи деб атальувчи оғирлик пайдо бўлишидир. Оғирлик кўпинча, ёғли овқат егандан сўнг хуржисомон кечади. Спиртли ичимлик ичиш, ҳазм бўлиши қийин овқатлар истеъмол қилиш, совқотиши, ўта чарчаш, ҳаяжонланиш ҳам касаллик хуружига сабаб бўлади. Ошқозон касаллигидаги қусищдан фарқли ўлароқ, бу касаллика қайт қилгандан сўнг беморнинг ахволи енгиллашмайди. Қорин дам бўлиши, девори тарангланиши мумкин. Хуруж бир неча дақиқадан бир неча соатгача, баъзан 1-2 кунгача давом этиши мумкин.

Касалликнинг зўрайиб кетиши ва хуружларнинг олдини олишда овқатланиш тартиби ва парҳезга қатъий риоя этиш муҳимдир. Овқатни ҳар 4 соатда, оз-оздан истеъмол қилиш ўт пуфагининг вақтида бўшалиб туршига ёрдам беради. Шўр, ачичқ, ўткір, ширин, ёғли таомлар, спиртли ичимликлар, тамаки ва нос тақиқланиши лозим. Ов-



катни ўсимлик ёғида гўштларни қайнатиб ёки буғда пишириб истеъмол қилиш тавсия этилади. Ўтирган ҳолат ўт пуфагининг бўшалишини қийинлаштиради. Шу боис, ўт-тош касаллиги билан оғриган ва узок вақт ўтириб ишлайдиган одамларга тана вазиятини ўзгартириш, нафас машгулотларини кун давомида бир неча марта тақрорлаб туриш тавсия этилади.

Ҳар қандай шароитда ҳам соғлиғингизга беларво бўлманг. Уни қанча асрсангиз, умрингизга умр қўшилиши турган гап. Буни ҳар биримиз ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

**Нилуфар КАРИМОВА,
ИИВ Марказий
поликлиники
шифокор-гастрэнтерологи.**

Хориж тажрибаси

ИСПАНИЯ ПОЛИЦИЯ ТИЗИМИ

Испанияда полиция фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга бўлган иккита идора мавжуд. Булар Миллий полиция – асосан шаҳарларда фаолият кўрсатувчи фуқаролик кучлари ҳамда Фуқаролик гвардияси – ҳарбийлаштирилган полиция бўлинмалари. Ҳар иккала идора ҳам Ички ишлар вазирлигига бўйсунади. Уларга Бош директорат раҳбарлик қиласди.

Басклар мамлакати, Каталония ва Наварра каби автоном вилоятлар ўзларининг полиция кучларига эга. Ушбу тузилмалар маҳаллий ҳукуматларга бўйсуниб, фақат тегишли маъмурий ҳудудлар доирасида иш кўришади. Испаниядаги аксар муниципал тузилмалар ўзларининг маҳаллий полиция отрядларига эга. Уларнинг асосий вазифаси йўлларда назоратни ташкил этиш, майда жиноятларни тергов қилиш ва кичик миқёсдаги оммавий тартибсизликлар чоғида жамоат тартибини сақлашда иштирок этишдан иборат. Молия вазирлиги таркибида ҳам унча катта бўлмаган ҳукуқ-тартибот бўлинмаси мавжуд. У Божхона кузатуви идораси деб аталади.

Испания Миллий полицияси қуролли фуқаролик тузилмасидир. Унга Ички ишлар вазирлиги давлат ҳавфсизлик департаменти юрисдикцияси остидаги Полиция ва Фуқаролик гвардияси Бош



директорати раҳбарлик қиласди. Миллий полиция Испания ҳукуматининг кўрсатмасига мувофиқ барча провинцияларнинг маъмурий марказларида ҳамда мамлакатнинг бошқа шаҳарларида фаолият юритади. Миллий полициянинг асосий вазифалари кўйидагилардан иборат:

- қонунларга ва Жиноят кодексига риоя этилишини назорат қилиш;
- қонунларга ва Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жинояткор кимсаларга нисбатан суд таъқибини амалга ошириш;
- жиноий ҳуружларни тергов қилиш, гумон қилинуви шахсларни қамоқча олиш ва гувоҳларни ҳимоя қилиш;
- жамоат ҳавфсизлиги ва тартибида оид ахборотларни тўплаш ҳамда таҳлил қилиш;
- фалокатлар юз берганида ва ўта ҳавфли вазиятлар

юзага келганида тегишли идоралар билан ҳамкорлик қилиш;

– фуқароларга миллий идентификация карточкалари ва паспортлар бериш;

– чегара назоратини амалга ошириш;

– хорижликлар билан ишлаш, миграция сиёсати, бошпана тақдим этиш, экстрадиция қилиш, қочоқ (қочқин)лар билан ишлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш;

– пули (ютукли) ўйинлар билан боғлиқ фаолиятни тартиба соловути норматив-ҳукуқий ҳужжатлар талабларининг бажарилишини назорат қилиш;

– гиёхандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилиш ва гиёх-фурушларга нисбатан суд таъқибини амалга ошириш;

– миллий ҳамда халқаро ҳукуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлик қилиш;

– ҳусусий ҳавфсизлик агентликлари фаолиятини назорат қилиш.

2006 йил ҳолатига кўра Миллий полиция сафларида 50 минг нафар ходим хизмат қилган. Улар 23 миллион нафар шаҳар ахолисининг ҳавфсизлигини таъминлаш учун



жавоб берган. Бу мамлакатнинг умумий ахолисининг таҳминан 50 фоизи дегани. Демак, ҳар бир минг шаҳарликка иккى нафардан осойиштадик посбони тўғри келган.

Миллий полиция сафига киришни хоҳловчилар констебель ёки полиция инспектори вазифасида иш бошлашади. Жамоатчилик асосидаги имтиҳон комиссиялари томонидан ташкил этиладиган тест синови ва сұхбатдан муваффақиятли ўтган номзодлар полиция кадети ёки кадет-инспектор мақомини олишади. Полиция сафига қабул қилинишининг яна бир муҳим шарти – номзод камидада уч йиллик университет маълумотига эга бўлиши лозим. Полиция тизими номзодлари учун таълим ишларини мувофиқлаштириш Саламанки университетига топширилган.

(Давоми бор).
Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Турмуш чорраҳаларида

У зина бўйлаб учинчى қаватга кўтарилиди. Бу қаватда иккита хонадон бўлиб, ўнг томондаги эшик ланг очиқ, бўсафада турган кичик сержант зинадан кўтарилиб келувчини таниб, ҳарбийча саломлашди ва ўзини четта олди.

— Турсунов келдими? — сўради у кичик сержантдан.

— Ҳа, ўртоқ капитан, сизни кутишаётпти.

Эшикдан кирган жойда кенг дахлиз бўлиб, ундан бир йўла тўртта хонага ўтиш мумкин эди. Ўнг томондаги иккинчи хонадон майор Турсуновнинг бўғиқ овози эшитиларди. Кириб келувчи ўша ёққа юрди. Бу болалар хонаси бўлиб, тўрда кийим жавони, ўнг томонда эса иккича қаватли каравот туради. Ўртада эса бир қиз ётар, унинг устига эса оқ чойшаб ёпиб кўйиланди.

— Э, Сардор, бормисан? — деди тезкор вакил, майор Бекзод Турсунов норози оҳангда. — Келардинг-да ҳамма ишни томомлаганимиздан кейин.

— Бекзод ака, пичинг қилманг. Машинам йўлда бузилиб қолди. Уни устахонага ташлаб, югуриб келаяпман. Ундан кўра бўладиган гапни айтинг. Ким, нима, қачон, қаерда?

Тергов бўлимни бошлиги, капитан Сардор Нишоновнинг воқеа жойига чиқсанда берадиган одатдаги сўровидан кейин тезкор вакил гапнинг индаллосига ўтмасдан иложи қолмади.

— Сенинг билганинг шу: «ким, нима, қачон, қаерда?» Бўпти, унда эшик. Феруза Ниёзова, 18 ёшда, лицей ўкувчиси. Ўз жонига қасд қилган, яъни каравотга ўзини осган.

— Бу қачон бўлган, ким биринчи кўрган, милицияга ким хабар берди?

— Тўрт-беш соат олдин бўлган кўринади, тўлиқ тафсилоти текширувдан кейин маълум бўлади, — деди эксперти криминалистика бўлими катта эксперти, майор Анвар Эшимов.

— Навбатчилик қисмига қизнинг отаси хабар берган.

— Нимага «Тез ёрдам»га эмас, бизга...

— Отаси шифокор экан, қизи ўлганини билиб «Тез ёрдам»ни ҷақириш бефойда эканлигини тушуниб етган шекилли.

— Жиноят аломатлари борми?

— Ҳозирча бир нарса дейиш мушкул, — деди катта эксперт.

— Текширувни тугатайлик-чи.

— Бўпти, сизлар давом эттираверинглар. Биз унгача қизнинг яқинлари билан гаплашиб кўрамиз, — Сардор шундай деганча ёнида турган Турсуновга ўзланди. — Йоринг-чи, Бекзод ака.

Улар рўпарадаги хонага киришди. У ерда бир аёл кўкрагига муштлаб маҳзун йиғлар, бошқа бир аёл — кўшниси бўлса керак, уни овутишга ҳаракат қиларди. Ўнг томондаги стулда эса эркак киши эгилган бошини чанглалаганча ўтиради.

— Вой, қизим, хур кетган Ферузам! Нимага бундай қилдинг?!

— Робияхон, ўзингизни босинг, мана, сувдан озроқ ичинг, — кўшни аёл унга пиёлада сув тутди.

— Ҳаммаси мени деб бўлди, агар кечаси уни уришмаганимда қизим бундай қилмасди, — аёл шундай деб хонага кириб келувчи ишлар идораси ходимига қаради.

— Кечирасизлар, бандалик, сизларга сабр тилайман!

Колганлар ҳам эшикдан кириб келувчиларга қаради. Ота — шифокор Наримон Шералиев бошини қимирилатиб ўрнидан турди.

— Терговчи капитан Сардор Нишонов бўламан. Ҳозир мавриди эмас-у, лекин... Сизлар билан гаплашиб олсан бўладидими?

— Ҳа, нариги хонага ўтайлик, — ота жойидан туриб, титрок овозда турмуш ўртогига ўзланди. — Робия, ўзингни бос, ич-этингни еяверганинг билан Феруза энди тирилиб келмайди.

Хонадон яна муштипар она-нинг «вой болам, онаңг ўлсин» деган фарёди эшитилди.

Наримон Шералиев қўшни хонага кирди. Юзи қип-қизил бўлиб кетган, турмуш ўртогидан фарқли равишида овоз чиқармай, унсиз кўз-ёш тўқаётган ота диванга ўтириди-ю, энди савол беришига шай турган тергов-тезкор гурухи ходимларига тик боқиб катъий оҳангда деди:

— Қизимнинг қотилини то-пинглар, сизлардан ягона ўтинчим шу.

ни алмаштириб, қўлимни ювиб ошхонага ўтдим. Кейин сабрим чидамай уни яна сўрадим. «Дадаси, хавотир олмант. Синфдошларидан бирининг туғилган куни экан, шунга кетганди. Ҳозир келиб қолади» деди.

— Уяли телефонига кўнғироқ кил, қаерда бўлса ҳам тез таксига ўтириб етиб келсин! — дедим.

Аксига олиб қизим уяли телефонини уйда қолдирган экан. Дугоналарни суриштиридик. Дугонаси Нигоранинг телефон рақамини топиб, унга кўнғироқ қилди. У «Феруза базмда йўк, аллақачон кетиб қолган» деб жавоб берди. Ана келар, мана келар деб хавотир билан ўтиравердик. Бир пайт соат тўққизга яқинлашиб қолганда эшик кўнғироғи жиринглади. Хотиним юргурганча чиқиб кетди. Хаял ўтмай қайтиб келиб, «дадаси, Феруза келди» деди. Энди жойимдан туратётгандим, «сиз эрталаб гаплашарсиз, ўзим яхшилаб уришиб қўйман» деди. Шу билан кўнглим бироз тинчиб, анча вактгача телевизор кўриб ётдим. Кейин ётиб ухладик. Эрталаб хотинимнинг чинкиридан уйғониб кетдим. Юргурганча бориб қарасам...

— Нима экан бу?

— Менимча тери қолдиклари. Кимдир унга тажовуз қилган, қиз химояланиб, уни тирнаб олган кўринади.

— Демак, унинг номуси топталган бўлиши мумкин. Шундайми?

— Шунаقا бўлиб чиқаяти. Ҳаммаси тиббий экспертизадан кейин маълум бўлади.

Кизни тиббий экспертизадан ўтказиша она кўп қаршилик қилди. Лекин жондан азиз қизини шу қўйга соглган кимсани топиш илинжиди ота ҳаммасига рози бўлди. Кўп вақт ўтмай экспертиза натижалари ҳам чиқди: Ферузанинг номуси топталганди. Ота-онасининг измидан чиқмаган, улардан ҳеч қачон ёмон сўз эшишмаган шўрлик бу кўргулликка чидай олмай, уларнинг кўзига қарашга ботина олмай шу ўйлни танлаганди.

Экспертлар тахмин қилган-дек, Ферузанинг тирноқлари орасидан чиқкан нарса инсон териси қолдиклари экан. Айнан мана шу далил жиноятчи ни аниқлашда аскотиши мумкин эди.

Капитан ишни ўша кунги ту-

филган кун базмини су-

риширишдан бошлади.

Лицейда бўлди, унинг синфдошлари, ўқитувчилар билан гаплашди.

Аллақачон Ферузанинг ўз жонига қасд қилгани барчага маълум бўлган, дугоналари, айрим ўқитувчилар ҳам унинг ёрўғунёни тарк этганига ишонишмасди.

Ҳаммада яхши таассу-

— Бошқа синфдан ёки бегона болалар ҳам қатнашдими?

— Йўқ, — Бахтиёр шундай деганча терговчидан нигоҳини узиб, ерга қараб жавоб берди.

— Ҳаммаси синфдошларимиз эди.

— Алдама, тўғрисини айт.

— Алдаётганим йўқ...

— Феруза базмнинг охиригача ўтиридими?

— Йўқ, тугамасидан олдин кетмоқчи бўлди.

— Кейин-чи?

— Кейин уни кузатиб қўйдим.

— Қаергача кузатдинг?

— Пастга, ўйлакгача...

Терговчи Наргиза исмли қизни сўроқ қилаётгандага жиноятни очища аскотадиган бир жиҳатни пайқаб қолди.

— Базмда Феруза ўзини қандай тутди? Ҳурсандмиди ёки хафа?

— Унинг кайфияти яхши эмасди. Уйдагилар хавотир олади деб кетаманга тушиб қолганди.

— Нега? Ҳамма хурсанд ўйнаб-кулса-ю, у кетаманга тушиб қолса? Бунинг бирор сабаби борми? Ёки кимдир уни хафа қилдими?

— Менимча Бахтиёрнинг тоғаси хафа қилган бўлса керак. Қаёққа ўтса орқасидан юриб, холи-жонига қўймаётганини кўргандим.

— Тоғаси? У ҳам синфдошми сизларга? Ислим ким?

— Йўқ, синфдошимиз эмас, аввал сира ҳам кўрмаганман. Ўша куни базмда пайдо бўлиб қолди. Бахтиёр тоғам бўлди, исми Зафар деб танишириди. Қайсиридир университетда ўтиридими.

— Кейин нима бўлди? Феруза базмнинг охиригача ўтиридими?

— Йўқ, боши оғриётганини, уйига кетмоқчилигини айтди. Кейин йўқ бўлиб қолди. Бахтиёрдан сўрагандим, «Ферузанинг ўтқизиб ўбордим», деб айтди.

Бу гапларни эшитиб, Бахтиёр қийин аҳволда қолди. «Мен ҳеч нарса қилганим йўқ, менда айб йўқ» дейишидан нарига ўтмади. Маълум бўлишича, Зафар теззет мөхмон бўлиб келиб турар, поччасининг хонадони ўз уйидек бўлиб қолган экан. Терговчи ундан Зафарнинг ўқиши ва турар жойини билиб олишга муваффақ бўлди, холос.

Ағсуски, уни топиш осон кечмади. Техника университетининг иккинчи курсида ўқидиган Зафар Талабалар шахар-часидаги ётоқхонада яшар экан. Лекин кечадан бўён ўқишида ҳам, ётоқхонада ҳам кўринмасди. Хонадошлари ҳам унинг қаёққа кетганини билмади. Айрим курсдошлари уни қишлоққа кетган дейишиди. Университет раҳбарияти ҳам бирор мавзумот беролмади. Сардор унинг қишлоғи, ота-онаси тўғрисида суршириди. Ағсуски, у қишлоққа ҳам бормаган экан. Терговчини бу ҳолат ўйлантириб қўйди. Бирор сабаби бўлмаса у нимага қорасини кўрсатмай, изсиз йўқолади? Барча гумонлар унга қараб кетарди. Шунинг учун капитан у бориши мумкин бўлган жойларни сурширишда давом этди.

(Давоми бор).

Фозил МАМАШАРИПОВ.

ҲАЗОД БЎЛГАН ГУЛ

Сардор ҳам, Бекзод ҳам буни кутмаганди.

— Нимага унака деялсиз? Бундай дейишингизга арзирилиб борми?

— Сизларга яна қанака сабаб керак? Қизимни... у ўзини шундай қилишга мажбур бўлган, — ота «қизимни кимдир бадном қилган» дейишига ботина олмади.

— Сизни тушунамиз, ҳозир сизга жуда оғир.

— Сизлардан илтимос! Уни шу қўйга соглан ифлосни то-пинг, — ота шундай деди-да, кейин ўзига ўзи гапиргандек бир нуқтага тикилганча сўзлай бошлади. — Қизимнинг орзулари бир дунё эди. Ҳеч қачон менинг ёки онасининг юзига тик қарамаган. Айтган сўзимиздан бир қадам чиқмаган. «Дада, худди сизга ўхшаб шифокор бўла-ман, моҳир жарроҳ бўлиб етишаман» дерди. Ҳа, қизима-а!!!

— Айтинг-чи, кеча ёки яқин кунларда қизингизда бирон ўзгариш сезмаганимисиз? Балки, ўртоқлари билан уришгандир.

— Бошқа куни эмас, нима бўлса кечаб бўлган, — у чуқур хўрсинди-да кечаб бўлиб ўтган воқеани сўзлай бошлади.

— Кечакурун олтилардан ўтганда ўйга келсан турмуш ўртогим мени кутиб олди. Одатда ҳар доим эшикдан кириб келишим билан қизим чопиб келиб салом берар, қўлимдан сумкамни оларди. Кийимларимни ечиб, оёғимга шиппак тутарди. Эркаланниб, ҳол-ахвол сўрарди. Шунинг учун бу ҳолга кўниколмай, қизимни излаб у ёқ, бу ёққа қаради. Ўқиримасди. «Феруза қани?» деб, хотинимга қарагандим, у кўзини олиб қочиб, хавотирланганча «яҳши келдингизми, чарчамадингизми?» д

Жиноятга жазо муқаррар

ЧУВ ТУШГАН ДАЛЛОЛ

Инсон ҳалол мөхнат орқали кун кечиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши лозим. Ўғрилик қилиб ёки бирорни алдаб топган луқма унга буюрмай, бир кунмас бир кун тешиб чиқиши аниқ. Ҳар ким ниятни тўғри қилиб кўчага чиқса, кам бўлмайди, Яратганинг ўзи ишини ўнглайди. Аммо беш қўл баравар бўлмаганидек, орамизда бирорнинг ҳақидан қўрқмайдиганлар ҳам учраб туради.

Бўкалик Дилмурод (исмлари ўзгартирилган) тириклик мақсадида ўзини ўтга-чўқقا урди. Бир-икки сўм топиш учун ўртада даллоллик қилиб ҳам юрарди. Қўши мажаллада яшовчи Баҳром хонадонида дон маҳсулотлари сотиш билан шуғулланиб келарди. Дилмурод унга икки йилдан бўён ловия олиб келиб сотди. Ўртада фирромлек бўлмаганинги сабабли унинг ишончига кириб олди.

2014 йилнинг март ойи охирларида Дилмурод танишини бошлаб Баҳромнинг олдига борди. Унга уч тонна ловия борлигини айтиб, керак бўлса Оққўрғон туманинди деҳқон танишлари-

дан олиб келиб беришини айтди. Нархини келишиб, Баҳромнинг қўшниси Жавлоннинг гувоҳлигига нақд тўрт миллион сўмни олиб, қолган пулни мол келганидан кейин олишини айтди. Сўзларига лақса ишонган Баҳром қўш-қўллаб пулни бериб юборди.

Дилмурод пулни олиб, таниши Илҳом билан қўчага чиқди. Бир оз юришгач, Илҳом ундан ҳозир Баҳромдан олган пулларни кечга қадар қарзга бериб туришини сўради. Бир иш кимлоқчилигини айтиб, эвазига катта ютуқ ютиб олишига ишонтириди. Хуллас, Дилмурод пулни танишига берди. Улар бирга Тошкентга йўл

олишди. Илҳом бир жойга ўтиб келишини айтиб, бир соатларча йўқ бўлиб кетди. Сўнг қайтиб келиб Дилмуроддан:

— Танишинг Баҳромдан яна уч миллион сўм пул олгин, — деб илтинос қилди.

Бунга рози бўлиб, Дилмурод яна Бўка туманига қайтиб, Баҳромнинг уйига борди. Бошқа танишларининг уйида ҳам анчагина ловия борлиги, уларнинг ҳаммасини битта юк машинага ортиб келишини айтиб, ундан яна уч миллион сўм пул сўради. Пулни олиб тағин шаҳарга қайтди. Илҳом билан Миробод туманида учрашиши. Баҳромдан олган уч миллион сўмни унга берди. Улар



кечга томон яна шу ерда учрашишга келишишди. Илҳом:

— Ўшанда пулларингни албатта қайтариб бераман, — деди.

Кечга яқин Дилмурод Илҳомга бир неча марта қўнғироқ қилса-да, жавоб бермади. Эртасига эса бундай ракам тармоқда йўқ деган жавобни олди. Дилмурод чуб тушиб қолганини англаб етганида кеч эди. Икки ўртада фирром даллолга айланди-

қолди. Баҳромга ваъда берган ловия ҳам, қайтаришга пули ҳам йўқ эди. Юзи қора бўлган Дилмурод шаҳардан иш топдим деб қорасини кўрсатмай шу ерда изғиф юрди.

Бир-икки бор Дилмуродни уйига излаб борган Баҳромга уйидагилари унинг Тошкентда ишлаб юрганини айтишиди. «Мол аччиғи – жон аччиғи» деганларидек, пулдан ҳам, ловиядан ҳам дарак бўлмагач,

Баҳром туман ИИБга ариза ёзиг мурожаат этишга мажбур бўлди.

Суриштирув ишларини бошлаб юборган Бўка тумани ИИБ терловчиси, катта лейтенант Нодир Саиназаровнинг саъй-ҳаракатлари натижасида, гувоҳлар берган кўрсатмасига биноан жиноят иши кўзғатилди. Жабрланувчи Баҳромга етказилган зарар тўлиқ қопланди.

Гўзал ЖАФАРОВА.
Тошкент вилояти.

НАФСИГА ҚУЛ КИМСА

Янгиариқ тумани Каттабоғ қишлоғида туғилиб ўсан Ш. Мардон мактабни тамомлагач, бирор-бир ишининг бошидан туттади. Ёши ўттиздан ошган бўлса-да, ҳали ҳам бўйдоқ. Буни қарангки, шу ёшда у беш марта судланибди. Ўғрилик унинг ёшлигини тортиб олди, боридан маҳрум қилди, ўзини ботқоқча ботирди. Афсуски, у бундан ҳам тегишили хуоса чиқармади. «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», деганларидек сўнги бор озодликка чиққанидан кейин яна «эски хунарни» кандо қилмади.

У Урганч шаҳрига тунги «саёҳати» пайти дам олиш учун мўлжалланган навесдан ноутбук компютери ва уяли телефонни ўмариди кетди. Иш хамирдан қил суургандек битганидан хурсанд ҳолда яна бир уйни мўлжалга олди. Бир неча кунлик кузатувлардан кейин шу кўчадаги ўйлардан бирининг эгаси хона-донда ўқлигини аниқлади ва кечкурун пайт пойлаб велосипедини миниб йўлга чиқди. Ҳар эҳтимолга қарши эшигини такиллатди. Ҳеч ким жавоб бермагач, деразадан ошиб ичкарига кирди. У хоналарни титкилаб ДВД, соч дазмоли, «Samsung» мусика маркази ва кийим-кечакларни олиб ташқарига чиқди. Ўғрилик молларни велосипедига юклаб воқеа жойидан фойиб бўлди.

Эртаси куни у ўғрилик молларнинг бир қисмини олиб, эски-тускилар сотила-диган бозорда пайдо бўлди. Омади юришиб тезда унинг молларига харидор ҳам то-пилди. Мардон чўнтағини пулга тўлдириб қайтаётгандан кўзи назоратсиз қолдирилган «Дамас» автомашинасига

тушди. Унга яқинлашиб, салонда турган пакетни кўрди. Атрофга аланглаб олгач, ўрганган усулида эшикни очиб, қора пакетга солинган 14 миллион сўмдан ортиқ пулни олди-да, ҳеч нима бўлмагандай йўлида давом этди.

Мардон Шомуратов «ови» бароридан келаётганига хурсанд ҳолда юрганида ички ишлар идоралари ходимлари аллақачон унинг изига тушишганди. Лекин у буни хаёлига ҳам келтирмади. Олиб борилган тезкор-қидирув тадбирларидан кейин уни Урганч шаҳар ИИБ ходимлари кўлга олиши.

Судда у барча айбига икрор бўлди. Унга нисбатан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Онинг тизгини суворийда бўлгани каби нафс тизгини инсоннинг ўзида бўлса ва уни жиловлай олса йўли бардавомдир. Бу ҳаётӣ ҳақиқатни Мардон каби кимсалар тушуниб етса яхши бўларди. Зора, у бу сафар тўғри хуоса чиқариб олса...

Нилуфар ЖАББОРОВА.
Хоразм вилояти.

ИИВ Матбуот хизмати хабарлари

ОҚИБАТСИЗ ҚЎШНИ

Наманган шаҳрида яшовчи X. Наримон қўшниси П. Садриддин билан аввал гап талаши, сўнгра жанжаллашиб қолди. Жанжал муштлашувга айланиб, X. Наримон қўшнисини дўзпослаб, тифли жисм билан жароҳат етказди. Жабрланувчи шифохонага ётқизилди. Наримонга нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ТАЛОЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Тўртқўллик А. Олимжон пойтахтга ўз юмушлари билан келганди. Кутимаганди уч нафарномаълум шахс унга ташланиб, ичида тўрт млн. сўмдан ортиқ пул солинган сумкасини тортиб олишади ва «Ласетти» автомашинасига ўтириб, қочиб қолишиади.

Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан олиб борилган чора-тадбирлар натижасида Тошкент шаҳрининг Олмазор ва Шайхонтохур туманларида яшовчи беш нафар фуқаро мазкур жиноятни содир этганликда гумон қилиниб қўлга олинди.

БЕПАРВОЛИК ЖИНОЯТГА ЙЎЛ ОЧДИ

Чилонзор туманида яшовчи фуқаро Ю. Носирнинг Элбек кўчасида қаровсиз қолдирилган автомашинасини номаълум шахс ўғирлаб кетади. Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан тезкор чора-тадбирлар бошлаб юборилди. Кўп ўтмай жиноятнинг «иссик изида» фош этилишига эришилди. Чилонзорлик С. Аброр ушбу жиноятни содир этганликда гумон қилиниб қўлга олинди.

ЎЗИНИ ШЕР БИЛИБ...

Ангренлик Б. Андрейнинг йўлини нотаниш бир барзанги йигит тўсиб чиқади ва куч ишлатиб «Samsung» русумли уяли телефонини тортиб олади. Жабрланувчи тезда бу ҳақда ИИБга хабар берди. Осоиштарилик посбонларининг саъй-ҳаракатлари натижасида мазкур жиноятни содир этган шахс тезда аниқланиб, қўлга олинди. У шу шаҳарда яшовчи Д. Жанар экан. Айни пайтда унга нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

Шерали АНВАРОВ,
майор.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган куйидаги шахслар Самарқанд вилояти ИИБ ЖК ва ТККБ томонидан қидирилмоқда.


Ойбек Абдураҳмонович КАҲХОРОВ. 1983 йилда туғилган. Самарқанд вилояти Пахтаки тумани Зиёвиддин шаҳарчаси Машраб кўчаси 14-ўйда яшаган. Узбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-кисми, 177-моддаси 3-кисми, 185 ва 243-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



Одил Эргашевич ЖАЛМАТОВ. 1978 йилда туғилган. Самарқанд вилояти Пахтаки тумани Зиёвиддин шаҳарчаси X. Олимжон кўчаси 23-йи 3-хонадонда яшаган. Узбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-кисми, 177-моддаси 3-кисми, 185 ва 243-моддада-рида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалигини билганилардан Самарқанд вилояти ИИБ ЖК ва ТККБга (0-366) 233-31-30, 233-02-64 рақамли телефонлар орқали ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.



Спорт *** Спорт

ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧГАН БЕЛЛАШУВЛАР

Ички ишлар идоралари ходимларининг жисмоний ва жанговар тайёргарликлари хизмат самарадорлигини оширишда мухим ўрин тутади. Шу боисдан доимий равишда спорт машғулотлари, ҳар хил мусобақалар ўтказишига алоҳида эътибор қаратилиди.

Шу ўринда Қўл жанги бўйича ўтказилиб келинаётган мусобақаларни таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки бокс, кураш, Шарқ якка кураши билан шуғулланган ҳар қандай спортич қўл жангидаги ўз кучини, эпчиликларини синовдан ўтказиш имкониятига ҳам эга бўлди.

Нукус шахридаги 2-республика болалар ва ўсмиirlar спорт мактабида Наврўз умумхалқ бўрами муносабати билан ўтказилган му-



собақада бу яна бир бор тасдиқланди. Қорақалпогистон Республикаси «Динамо» ЖТСЖ биринчилиги учун кечган баҳсларда ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари жамоалари иштирок этди.

Қизиқарли ва шиддатли кечган мусобақа якуннада жамоавий ҳисобда голиблик Қорақалпогистон Республикаси ИИБ терма жамоасига насиб этди. Қорақалпогистон Республикаси ИИБ хузуридаги кўриқлаш бошқармаси ва вазирлик АВБ-СО жамоалари кейинги ўринларни эгаллади.

Голиб жамоалар ва мусобақада муваффақиятли иштирок этган спортчилар ташкилотчilar томонидан муносиб тақдирланди.

О. ЕРМАНОВ,
журналист.

Муаллиф олган суратлар.
Қорақалпогистон Республикаси.

Хукуқ-тартибот идоралари ходимларининг жисмоний салоҳиятини янада ошириш, уларнинг спортга бўлган қизиқишлигини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириши мақсадида вилоят «Динамо» ЖТСЖ ташаббуси билан ташкиллаштирилган волейбол бўйича чемпионат байрамона руҳда бўлиб ўтди.

* * *

Вилоят ИИБ ва унинг куйи тизимида эркаклар билан елкама-елка хизмат қилиб келаётган хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ўтказилган шахмат-шашка мусобақаси ҳам қизғин баҳсларга бой бўлди.

ҚУЧЛИЛАР ҲАМИША ФОЛИБ

Унда 26 та жамоа голиблик учун ўзаро баҳс олиб борди. Айниқса, иштирокчи жамоалар ўртасида Бухоро вилояти ИИБ, вилоят ИИБ ЁХБ, МХХБ жамоаларининг шиддатли ўйинлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Якуний натижаларга кўра, МХХБ жамоаси барча рақибларидан устун эканлигини амалда намойиш қилиб, биринчи ўринни кўлга киритди. Вилоят ИИБ хузуридаги кўриқлаш бошқармаси вакилларига иккинчи ўрин насиб этди. Учинчи ўринга эса, вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси жамоаси лойик, деб топилди.

Голиб жамоалар «Динамо» ЖТСЖнинг дипломи ва эсдалик қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.



«Динамо» ЖТСЖ ташаббуси билан ўтказилган мусобақада соҳамиз маликалари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Қизиқарли мусобақалар якуннада юқори ўринларни эгаллаган, шунингдек, турли номинациялар бўйича голиб чиқсан иштирокчиларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Бахтиёр РАҲМАТОВ,
кatta лейтенант.
Бухоро вилояти.

Хуқуқий маслаҳатхона

РАҲБАР ҲАҚМИ?

? – Турмуш ўртоғим чет эл фирмасида ишлайди. У ишга кираётганида бола туғмаслиги ва декрет таътилига чиқмаслиги тўғрисида тилхат ёздириб олишган экан. Ҳозир у ҳомиладор. Шунинг учун корхона раҳбари ишдан бўшашини талаб қилмоқда. Раҳбар ҳақми? Бу борада аёлимнинг қандай ҳуқуқлари бор?

! – Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 12-моддасида кўрсатилганидек, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ва мамлакатимиз худудида жойлашган корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари қўлланилади.

Аёлингиз ишга киришида унга кўйилган шарт, яъни бола туғмаслик ва декрет таътила чиқмаслик борасидаги талаблар ноконунидир. Ҳаттоти, бу шартлар аёлингиз билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган тақдирда ҳам, қонунга зид ҳисобланар эди. Чунки Мехнат кодексининг 5-моддасида меҳнат ҳақида ги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар ахволини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив хужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмаслиги белгилаб кўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 19 январда 873-сон билан рўйхатга олинган «Мехнатга лаёқатсизлик варақалари ва маълумотномаларни бериш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 8-бандинга биноан меҳнатга лаёқатсизлик варақаси қўидаги ҳолларда берилади:

- а) меҳнат лаёқатини вақтинчалик йўқотиш билан касалланиш (шикарланиши);
- б) ҳомиладорлик ва туғиши бўйича таътила чиқиши;
- в) бемор бўлган оила аъзосини парвариш қилиш зарурати бўлганда;
- г) санитар-маданий (амбулатор-курорт) даволаш;
- д) сил ёки касб касаллиги билан касалланиш муносабати билан вақтинчалик бошқа ишга ўтказилиш;

Ушбу саволга ҳуқуқшунос Ҳамидулла ПРЕМҚУЛОВ жавоб берди.

ҮТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

ИИВ Академияси раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши криминалистика кафедраси катта ўқитувчisi, истеъфодаги полковник Норқул Тоштепировга падари бузруквори
ТОШТЕМИР отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

ИИВ ТОХТБЮ раҳбарияти ва шахсий таркиби билим юрти ўқув жараёнини таъминлаш батальони взвод командири, капитан Дилмурод Холиковга волидаи муҳтарамаси

МАТЛЮБА аянинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Транспортдаги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби «GM – Uzbekistan» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти қўшма корхонаси маҳсулотларини ва бошқа қимматбаҳо юкларни кузатиш бўйича маҳсус милиция батальони Холос темир йўл бекатига хизмат кўрсатиш бўйича иккинчи отряди милиционери, сафдор Баҳром Кутпиддиновга падари бузруквори

ИБРОХИМ отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Транспортдаги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби «GM – Uzbekistan» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти қўшма корхонаси маҳсулотларини ва бошқа қимматбаҳо юкларни кузатиш бўйича маҳсус милиция батальони Холос темир йўл бекатига хизмат кўрсатиш бўйича иккинчи отряди милиционери, сафдор Баҳром Кутпиддиновга падари бузруквори

АЛЛОҚУЛ отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Фаргона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги сержант Солижон Бакировга падари бузруквори
ИБРОХИМ отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгусиҳафта учун



ҚҮЙ

Ҳаётингизда ҳатто ўзингиз ҳам кутмаган воқеалар юз беради. Ҳозир ҳар қандай янги ишни бошлаш учун кулагай пайт. Айнан шу ҳафтада анчадан бўён ўзингизни безовта қилиб келаётган кўпгина масалаларни ҳал этаисиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида дўстларингиз билан учрашувлар, байрам тадбирлари, оиласига маросимлар ўтказсангиз бўлади. Ушбу даврда бажарган ишларингиздан завқ оласиз.

СИГИР

Ҳафта бошида муҳим мулоқотлар ёки учрашувлар кутилмоқда. Натижада керакли маълумотлардан хабардор бўласиз. Янги танишлар ортиришингиз ҳам эҳтимолдан холи эмас. Мазкур ҳафтада ўрнатган алоқаларингиз кейинчалик тез ривожланмаса-да, лекин анчайин жиддий тус олади. Мол-мулк, пул билан боғлиқ тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этаисиз.

ЭГИЗАКЛАР

Шу кунларда куч-ғайратга тўлиб кетасиз. Уни фойдали ишларга сарфланг. Ҳаёлингизда кўплаб фоялар туғилади. Ҳаммасини бирварақайла ҳаётга татбик этаман дессангиз, кучингиз ҳам, вақтингиз ҳам зое кетади. Фикрингизни бир жойга жамлаб, улар орасидан энг муҳимини танланг. Сўнг уни амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилинг. Ҳафтанинг сўнгги кунларини ёлғиз ўтказганингиз маъкул.

ҚИСҚИЧБАҚА

Бутун ҳафта бўйи кўтаринки кайфиятда юрасиз. Фақат мақсадни аниқ белгилашга қийналасиз. Ҳали оила қурмаган бўлсангиз, кимнидир ёқтириб қолишингиз мумкин. Аксинча, сизни кимдир севиб қолиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Иш фаолиятингизда мураккаб вазиятларга дуч келсангиз, оғир-босик бўлинг. Йўлнингизда учраган тўсиқларни енгиб ўтиш учун аввало ички имкониятларингизга таянинг.

АРСЛОН

Бошқалар билан келиша олмаяпсизми? Режаларингиз ва фояларингиз, нуқтаи назарингиз атрофингиздагиларга мутлақо маъқул бўлмаяптими? Унақада олдингизда иккита йўл турибди. Ҳар иккиси ҳам мақсадга мувофиқ. Биринчиси – оқил одамлардан маслаҳат сўранг. Иккинчиси – ўз фикрингизни қатъий турив химоя қилинг. Аммо сизга қарши чиқаётгандарнинг эътирозларини ҳам ҳисобга олинг.

ПАРИЗОД

Ушбу ҳафтада ҳаёт ташвишлари билан бутунлай банд бўласиз. Масалан, моддий ахволингизни яхшиласиз. Хонадонингизни таъмирлатишингиз мумкин. Шунинг учун атрофингизда юз бераетган, иш фаолиятингиз, бизнесингиз билан боғлиқ бўлмаган воқеаҳодисаларни пайқамайсиз. Ҳозир сиз учун фалсафий мавзуларда сұхбат куришнинг мавриди эмас.

ТАРОЗИ

Узокқа мўлжалланган режалар тузманг. Ҳамма ишга улгураман деб ўйламанг. Барча нарсани хисоб-китоб қилишнинг ҳам иложи йўқ. Яхшиси, майдо-чўйда ташвишларни унутинг. Ички дунёнгизни таҳлил қилишга бутунлай берилиб кетсангиз ҳам кутган натижангизга эриша олмайсиз. Бундан ҳеч қандай фойда йўқ. Маслаҳатимиз – қувончили кунларни эсланг, эртанди кунга умид билан қаранг.

ЧАЁН

Нихоят ҳаётингиздан мамнунлик ҳис этаисиз. Бу инсон учунnihоятда муҳимдир. Ҳали оила қурмаган бўлсангиз, ҳафта ўрталарида кимнидир ёқтириб қолсангиз керак. Аммо қатъий қарорга келишига шошилманг. Кейин афсус чекиб юрманг, деймиз-да. Ахир, бу – умр савдоси. Шошма-шошарлик билан баҳтга эришиб бўлмайди. Баҳор гўззаликлари кайфиятингизни кўтариб юборади.

ЁЙ

Янги ҳафта бошида унча жиддий бўлмаган қийинчиликларга дуч келасиз. Режаларингиз сиз ўйлаганчалик силлиқлик билан амалга ошмайди. Шунда топкирлигингишини ишга солинг, керак бўлса озроқ айёрлик қилинг. Карабисизки, тўсиқлардан осонгина ошиб ўтасиз. Ҳафта ўрталарида оладиган хабарингиз кейинги фаолиятингизга ижобий таъсир кўрсатади.

ТОҒ ЭЧКИСИ

Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. Биз ҳам доимо ҳаракатда бўлишимиз керак. Шундай экан, ушбу ҳафтада бирор қийинчиликка дуч келганингизда чўчиб кетманг. Йўналишингизни ўзгартиришга шошилманг. Бир жойда тўхтаб ҳам қолманг. Аксинча, танлаган йўлингиз тўғри эканлигига қатъий ишонганд ҳолда дадил олга интилаверинг. Шунда ҳамма машаққатлар ортда қолади.

КОВФА

Молиявий ишларингиз бароридан келади. Масалан, ютуқ чиқиши мумкин ёки мукофот оласиз. Шунингдек, фойдали шартномалар тузишингиз ҳам эҳтимолдан холи эмас. Балки, янги бошлаган ишингиз ҳам моддий ахволингизни яхшиласиз. Ушбу ҳафта сиз учун ҳар томонлама қулагай келаётганига қарамай, айниқса унинг охирларида меъёри унуманг, қаноат қилишни билинг.

БАЛИК

Мазкур ҳафтада тушкун кайфиятда юрасиз, ўз қобигингизга ўралиб оласиз, қўлингизни ишга бормайди. Шубоис янги ишларни режалаштиримай, бошламай турганингиз ҳам маъқул. Чунки бундай кайфиятда бошлаган иш одатда бароридан келмайди. Яхшиси, илгари бошлаб кўйган ишларингизни якунига етказинг, меҳнат фаолиятингизни сарҳисоб қилинг.

Кўрик-танлов

САҲНАДА АКАДЕМИЯ ҚИЗЛАРИ

Бугунги кунда ИИВ Академиясида йигитлардан ҳеч бир жиҳатдан қолишмайдиган, ҳар томонлама етук лобар қизлар таълим олишишоқда. Жиноятчиликка қарши мурасасиз курашиш, осойишталиктин таъминлашни, юртига, Ватанига сидқидилдан хизмат қилишини олий мақсад деб билган ёшлар учун таълим мусассасида барча шароитлар муҳдайё қилинган.

Яқинда ИИВ Академиясида бўлиб ўтган кўрик-танловда уларнинг нафақат бу ерда олаётган билимлари, балки турли йўналишлар бўйича салоҳияти яна бир бор синовдан ўтказилди. Аслида, мазкур мусассасада таълим олаётган қизлар ўтрасида «Балли, қизлар» кўрик-танловини ўтказиш анъана тусини олган. Тингловчи қизлар-

ни Ватанга муҳаббат, танлаган касбига садоқат руҳида тарбиялаш, жанговар тайёргарлигини ошириш, интеллектуал қобилиятини юксалтириш мақсадида ташкил этилган бу йилги тадбирнинг якуний босқичи ҳам юксак савиядаги ўтди. Таъкидлаш жоизки, танловнинг биринчи босқичи сал аввалроқ бўлиб ўтган, унда иштирок этаётган



1-ўкув курсининг «Академия маликалари», 2-ўкув курсининг «Мардона қизлар» ва 3-ўкув курсининг «Моҳитобон» жамоалари пазандалик, ўқотиши ҳамда югуриш бўйича беллашишганди.

Мазкур босқичда тингловчи қизлар пазандаликда маҳоратларини намойиш этишган бўлса, ўқотиши тирида уларнинг жанговар тайёргарлиги синовдан ўтказилди. Тингловчиларнинг жисмоний жиҳатдан қандай салоҳиятга эгалигига 400 метрга эстафета ҳолида югуриш мусобақасида ойдинлик киритилди.

Танловнинг иккинчи якуний босқичи таълим мусассасининг Маънавият тарғибот марказида бўлиб ўтди. Тадбирни ИИВ Академияси бошлиғи, генерал-майор

Ш. Икрамов очиб, барча иштирокчиларни, таклиф этилган хотин-қизларни байрам билан табриклиди. Мамлакатимизда аёлларга кўрсатилаётган эътибор, эҳтиром тўғрисида тўхталиб, барча жамоаларга омад ёр бўлишини тилади. Шундан сўнг жамоалар «Танишув», «Ватан мадҳи», «Савол-жавоб» ва «Эркин мавзу» шартлари бўйича беллашишди. Уларнинг барча шартлар бўйича чиқишиларни элизим ардодигидаги санъаткорлар, вазирлик тизимида хизмат қилаётган тажрибали хотин-қизлар, Академия профессор-ўқитувчилирдан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боришиди. Бунда асосий эътибор мавзуларнинг долзарблигига, тарбиявий аҳамиятига, ишти-

рокчиларнинг актёрлик маҳоратига қаратилди. Зални тўлдириб ўтирган тингловчилар эса уларни ҳар жиҳатдан кўллаб-куватлаб туришиди.

Қизиқарли бўлган беллашув якунида «Мардона қизлар» жамоаси танловга қанчалик пухта тайёргарлик кўрганини намойиш этиб, голибликни кўлга киритди. «Моҳитобон» жамоаси иккинчи ўринга лойик кўрилган бўлса, «Академия маликалари» учини ўринни эгаллади.

— Танловда голиб чиқишимиздан жуда хурсанд бўлдик, — дейди 2-ўкув курсининг «Мардона қизлар» жамоаси вакили, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби Сарвинауз Шайдуллаева. — Мусобақага пухта тайёрлаган

устозларимизга, чиқишиларимизни холисона баҳолаб борган ҳайъат аъзоларига, бизни қўллаб-куватлаган томошибинларга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

Танлов якунида барча жамоалар диплом, Фахрий ёрлиқ ва эсадалик совфалари билан тақдирланди. Хуллас, Академияда ташкил этилган «Балли, қизлар!» кўрик-танлови барчага оламолам қувонч баҳш этди, меҳмонлар, тингловчилар тадбирга тақлиф этилган санъаткорлар томонидан ижро этилган дилрабо куй-кўшиклар, рақслардан баҳраманд бўлишиди.

**Фозил НИШОНОВ.
Акмал СУЛТОНОВ
олган суратлар.**



Иккинчи истеъдод



ТАСВИРЛАРГА КЎЧГАН ТАСАВВУР

Баъзи тасвирий санъат асарларини кўрганингизда унда ижодкорнинг кўнгил олами, хаёлот дунёсида саир этандек бўласиз. Эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида жиноятчиликка қарши мурасасиз курашиб, айни кунда кексалик гаштини сураттган нафақадаги подполковник Мустафо Расуловни кўпчилик моҳир рассом сифатида ҳам яхши танийди.

У болалигидан мўйқалам билан сирлашиб, бўш вақтларда расмлар чизади. Айниска, «Катта ашула», «Мусиқачи», «Оила», «Севги», «Ой тўлган кеча» каби асарлари санъат ихлосмандарида катта қизишиш уйғотган.

Самарқанд вилояти ИИБ ЖК, ва ТҚҚБ бўлим бошлиғи лавозимидан нафақага чиқкан М. Расулов ҳозирда Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар ўюнмаси аъзоси. Бир неча бор кўргазмалар ташкил этиб асарларини санъатсевар инсонларга ҳавола этган. Унинг Ўзбекистон Бадиий академияси Икуо Хирояма халқаро маданият карvon саройида Кексаларни эъзозлаш йили-

га бағишлиб ўтказилган «Хуррият қасидаси» номли шахсий кўргазмасида ҳам 65 га

яқин асарлари намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг очиши маросимида Ўзбекистон Бадиий академия раиси, Халқ рассоми Акмал Нуридинов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, рассом Нуридин Калонов, Бангладешнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Масуд Маннан ҳамда бир қанча таникли рассом, шоир, санъатшунослар, оммавий аҳборот воситалари ходимлари, шу-

нингдек, кўплаб талабаётшлар иштирок этди.

Тадбирда ижодкорнинг ички ишлар идораларида ҳам маданият ва санъатга жиддий эътибор қаратилиштагани жуда қувонарли, — дейди Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур. — Кўпчилик ходимлар билан гаплашганда уларнинг дунёқараши, муомаласи, сўзамоллигидан маънавияти юқори эканлиги, кўп китоб мутолаа қилгани сезилади. Кўп ийл ҳуқук-тартибот соҳасидаги хизмат қилган Мустафо Расуловнинг асарларида ҳам мана шундай юксак ма-



хизмати, ибратли ҳаёт йўли ҳақида гапирилиб, асарларининг ўзига хослиги ва буғунги кунда ёшлар маънавияти-



ни юксалтиришдаги бекиёс аҳамияти эътироф этилди.

— Мамлакатимиз ички ишлар идораларида ҳам маданият ва санъатга жиддий эътибор қаратилиштагани жуда қувонарли, — дейди Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур. — Кўпчилик ходимлар билан гаплашганда уларнинг дунёқараши, муомаласи, сўзамоллигидан маънавияти юқори эканлиги, кўп китоб мутолаа қилгани сезилади. Кўп ийл ҳуқук-тартибот соҳасидаги хизмат қилган Мустафо Расуловнинг асарларида ҳам мана шундай юксак ма-

даният, маърифат, ватанпарварлик каби туйғулар уфуриб туради.

Болалигидан эшитган эртаклари, ўқиган китобларидаги қаҳрамонлар сиймосини тасаввурнида яратиб, уни тасвиirlарга кўчирган Мустафо Расуловни ўз асарлари билан буғунги кунда миллий маънавиятимизни юксалтириш, кўхна қадриятларимизни асрар-авайлашга улкан ҳисса қўшяпти, десак муболага бўлмайди. Чунки халқ ижодиёти, муҳаббат, меҳроқибат каби юксак фазилатлар унинг асарларида асосий мавзу ҳисобланади.

Р.ИНОМОВ.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IVI BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinnbosari – Qobiljon SHOKIROV
Mas'ul kotib – Rahmatilla BERDIYEV
Navbatchi – Foziljon MAMASHARIPOV
Sahifalovchi – Zokir BOLTAYEV
Matn ko'chiruvchi – Gulnora SODIQOVA

TELEFONLAR:
231-33-88;
Faks: 255-31-39.
ISSN 2010-5355

9772010-535001

Tahririyat hisob raqami
202100090044798001,
MFO 00420.
«Ipotekabank»
Mirobod tuman bo'limi.
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlari egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Postda»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.
«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №S-2386. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 70042 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqtisi – 22.00. Bosishga topshirildi – 21.00. Bahosi kelishilgan narxa.
MANZILIMIZ: 100070, Toshkent, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi, 1-uy.